# КУБАНЛИКЛАР ЧАҚИРИҒИГА АМАЛИЙ ЖАВОБ!

XXII КПСС МК ноябрь Пленумининг қарорларини АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 25 (2316). | 5 февраль сешанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## ҚАРДОШ РУМИН ХАЛҚИГА

Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар Совет Иттифоқи билан Руминия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган куннинг 15 йиллиги муносабати билан румин халқига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан табрик ладилар.

Руминия Халқ Республикасининг раҳбарлари Георге Георгиу-Деж ва Ион Георге Маурер ўртоқларга йўлланган телеграммада таъкидланадики, тинч-тотув яшашнинг буюк принципларига содиқ Совет Иттифоқи ва Руминия Халқ Республикаси бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, Германия сулҳ шартномасини тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш ҳамда ҳозирги замоннинг кечиктириб бўлмайдиган бошқа проблемаларини ҳал этиш учун, бутун инсониятнинг тинчлиги ва бахт-саодати ишининг тантанаси учун изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар. (ТАСС).

## СССР БИЛАН ЦЕЙЛОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев телеграммалари

Цейлон мустақиллиги эълон қилинганининг 15 йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Цейлон бош министри Сиримаво Р. Д. Бандаранаике хонимга табрик телеграммаси юборди. Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик вужудга келганлигини ва йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлигини, дейилади телеграммада, хурсанд бўлиб қайд қиламан. Бу эса, Совет-Цейлон муносабатларини ривожлантиришда тағин ҳам қулай истиқболлар вужудга келишига умидвор қилади.

Н. С. Хрушчев дўст Цейлон халқига ва ҳукуматига мамлакатнинг миллий мустақиллигини ва экономикасини мустаҳкамлашда, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда янги катта муваффақиятлар тилади.

Цейлоннинг мустақиллик куни муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев Цейлон генерал-губернатори Уильям Гопаллавага табрик телеграммаси юборди. (ТАСС).

## СССР — ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИНГ ВАФОДОР ДЎСТИ

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Танганьикага — Моши шаҳрига мактуб юбориб, бу мактубда совет халқи ва шахсан ўз номидан Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги учинчи конференцияси қатнашчиларини самимий табриклади.

Мактубда айтиладики, Африка — Осиё бирдамлик ҳаракати вужудга келган пайтдан бери ўтган йиллар ичида Осиёда ва Африкада ғоят катта ўзгаришлар юз берди. Бу қитъалардаги миллионларча кишилар миллий озодлик қувончини ҳис қилдилар.

Сизларнинг конференциянгиз, дейилади, мактубда эркесвар ва тинчлик севар халқлар ягона фронтини мустаҳкамлаш ишига янги муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсиз. (ТАСС).

# БЕШ МАШЪАЛ

Бир деҳқоннинг гапи эсимизга тушиб қолди. 1-«Боёвут» совхозида Тилов ака Абдалиев билан суҳбат қурган эдик. У мўл ҳосил ҳақида гапириб, эллик центнер нималигини тушунтирган эди. Мана унинг гапи:

Айтайлик, 100 гектар ерингиз бор. Борди-ю, шу 100 гектар ерингиз хирмон бўлса-да, унга бошдан-оёқ қалинлигини бир қаричдан қилиб пахта ёйсангиз, қандай бўлади? Ҳар гектар ердан 50 центнер ҳосил олинди, деганда худди шундай хирмонни кўз олдингизга келтиринг».

Ўша гапларни эслаб туриб, ўтган йили 30-33 центнердан «оқ олтин» етиштирган деҳқоннинг отасига минг раҳмат, деган фикр қайта-қайта дилимиздан ўтди. Зар қадрини заргар билади дейдилар. «30», «40» сингари рақамлар гапиришга осон. Аммо уни бунёдга келтирган деҳқон йил ўн икки ой ер тимдалаб, экинга ҳовуч-ҳовуч қалб меҳрини тўкади.

1-«Далварзин» совхозида беш бригадирнинг номини аташди. Улар сув олтиндан азиз бўлган олтмиш иккинчи йилда ҳам 30-34 центнердан пахта етиштиришган. Бу бригадаларнинг бошлиқлари, уларнинг аъзоларини азаматлар, шунқорлар, фалон-пистон, деб ўтириш ортиқча гап бўлса керак. Деҳқоннинг ишига тушунган, зироат илмининг мураккаблигини билган одам ҳалиги 30-34 центнернинг ўзидан хулоса чиқариб қўяқолар. Фақат бир нарсани алоҳида айтиб ўтиш лозим: бу олтмиш иккинчи йилнинг ўша инжиқлиги билан обҳавонинг ўжар бебошлигидир.

Кўплар билишади. Гектар бошига 10 центнердан етказолмай ҳосил олган колхозлар, бригадалар бўлди. Гоҳ дўл, гоҳ сел қуйиб, ғўзани яксон қилди. Худди шу оғир йилда сийрак ғўзадан, ярми апрель ойида, ярми июнда ердан чиққан кўчатдан 34 центнер пахта олиш — асл деҳқоннинг иши.

Набижон Очилов ўша асл деҳқонларнинг биттаси. Ери 92 гектар эди. 34 центнердан пахта кўтариб, ўзини меҳнатда кўрсатди. Юнусали Ғозиев 104 гектар ердан 330 тонна пахта бериб, табиий қийинчиликларни моҳирлик билан енгди. Область Советининг депутати Набижон Абубакиров ҳам ғолиблар даврасида кўкрак кериб ўтирибди. Ўз кўзимиз билан кўрдик. Неча от-арава унинг ерига гўнг чиқаряпти. Шуниси қувончлики бу йигит бригадирман, деб қўлни белбоғига тираб юрмади. Трактор миниб, ўзи шудгор қилди, Сеялка судраб, ерга уруғ ташлади. Культивацияда, суғоришда, ғўзани машинада чеканка қилишда бошқаларга намуна бўлди. Машинада пахта терди. Ғўзам деб, «оқ олтин»им деб жон куйдирган одам шунақа бўлади-да.

Иззатулла Қаюмовнинг ҳам ишни дўндириб қўйган жойи бор. Унинг ери қумоқ ер эди. Сув танқис йилда бундай ерда мўл ҳосил етиштириш оғир иш. Бугун суғорасан, эртасига яна ғўза сўлишиб, ҳосил ташлаб тураверади. Шундай қийинчиликни енгиб унинг бригадаси 31,2 центнердан пахта кўтарди. Планни совхозда биринчи бўлиб бажарди.

Яна бир миришкор — Қирғизбой Абдукаримов. Унинг бригадаси 132 гектар ердан 410 тонна пахта кўтарди. Салкам 200 тонна ҳосил машинада терилди. Бригада мўл ва арзон пахта етиштириб, механизациянинг ҳикмати ҳақидаги гапларни яна бир марта исбот қилди. Шу беш бригада бу йил 40—45 центнерни мўлжаллаб иш бошлади.

Краснодар ўлкадаги Усть-Лабинск бошқармаси меҳнаткашларининг ердан оқилона фойдаланиш, мўл дон етиштириб, чорвачилик маҳсулотларини кескин ошириш юзасидан мамлакатимизнинг ҳамма меҳнаткашларига йўллаган мактуби совхоз коллективи томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. Пахтакорлар мўл ва арзон маҳсулот етиштириш тадбирларини белгиламоқдалар. Айниқса, юқорида номлари айтилган 5 та бригада ҳамма ҳосилни машинада териб олади.

Совхоз директори Йўлдош ака Иброҳимовнинг айтишича, улар шу кунларда кўпроқ механизатор керак, янги «ХВС»-лардан олиб берсангиз, бердингиз, бўлмаса бригадирлик қилмаймиз деб юришганмиш.

С. СУЛТОНОВ,
Т. УМРЗОҚОВ.

*Областимиз колхозлари ва совхозларида устьлабинсклик ғаллакор ва чорвадор дўстларимизнинг чақириғига жавобан Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси қизғин тус олаётир. Эрта баҳорданоқ мўл ҳосил учун тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Сиз суратда кўриб турган мана шу икки деҳқоннинг бири (чапдан). О. Тўқсонбоев — бригада бошлиғи, А. Бектосев эса — сувчи. Улар Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил юлдуз» совхозининг ишчилари. Оқтош Тўқсонбоев бошқараётган бригадада 185 гектар ерда пахта етиштирилади. Бригада аъзолари ана шу майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган.*

А. Тўраев фотоси.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

## ТАШАББУС ЁЙИЛАДИ

«Дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни максимал кўпайтириш учун социалистик мусобақа ташкил этишда Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг ташаббуси тўғрисида» деган масалани ВЦСПС президиуми кўриб чиқди.

Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг ташаббуси, дейилади ВЦСПС президиуми қабул қилган қарорда, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди ҳамда мамлакатимизнинг колхозчилари, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари томонидан кенг равишда қувватланди. Усть-Лабинск меҳнаткашларининг мурожаатига жавобан, Воронеж областидаги Анненский ва Таловский ишлаб чиқариш бошқармаларининг қишлоқ хўжалик ходимлари, Черкасск областидаги «Коминтерн» совхозининг, Запорожье областидаги «Перемога» совхозининг, Одесса областидаги «Красный» совхозининг коллективлари ва бошқа кўпгина коллективлар дон, сут, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасида ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар.

ВЦСПС президиуми касаба союзлари Советларига, қишлоқ хўжалик ва маҳсулот тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзининг республика, ўлка, область комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармалари касаба союз комитетларига, совхозларнинг ишчилар комитетларига Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг мактубини совхозлар, бўлимлар, фермалар, бригадалар коллективларининг йиғилишларида кенг муҳокама қилишни тавсия этди. Ҳар бир совхознинг ходимлари социалистик мусобақага қўшилишини ҳамда дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида 1963 йилда янги марраларга эришмоқ учун ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олишини таъминлаш зарур. Мажбуриятларни ишлаб чиқишга ишчилар, хизматчилар ва мутахассисларнинг кенг оммаси тортилиши лозим.

ВЦСПС президиуми совхозлар коллективларининг ҳайдаладиган ерларнинг ва қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда гўшт ва сут етиштиришни максимал кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг 1962 йилда амалда бўлган шартларини бу йил учун ҳам сақлаб қолишга қарор қилди. Совхозлардаги бўлимлар ва фермаларнинг ғалла, дон экиш ва силос учун экилган маккажўхори, қанд лавлаги, нўхат, хашаки дуккакли экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун ўтказилаётган мусобақа шартлари, якунларни тўплаш тартиби ва мусобақа ғолибларини рағбатлантириш чоралари ҳам сақлаб қолинади, бу тартиб ва чоралар ВЦСПС президиумининг 1961 йил 22 декабрдаги қарорида тасдиқланган эди. (ТАСС).

## СЎЗИ БИЛАН ИШИ БИР

Тўрига Ленин портрети осилган хонада 50 га яқин киши тўпланган. Колхоз партия камитетининг секретари М. Рашидов Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг дон ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган мактубини очиқ партия мажлиси қатнашчиларига ўқиб бермоқда.

— Кубанлиларнинг ташаббуси коммунизмнинг моддий техника базасини тезроқ яратишга қаратилган муҳим тадбирдир. Биз мактубга жавобан ўз имкониятларимизни қайта ҳисоблаб чиқишимиз керак. Бу ҳақда сўз коммунистларга, — нутқини якунлайди партком секретари.

— Мен Усть-лабинскликларнинг бу мактубига жавобан ўз боқимимдаги 53 бош бузоқни бўрдоқига боқиб, ҳар бош молнинг вазнини 400-450 килограммгача етказаман, — дейди ферма молбоқари Т. Эргашев.

Сут-товар фермасининг бригадири Ғ. Тошмуҳамедов ҳам бўладиган гапни айтақолди.

— Барча имкониятларимизни ишга солиб, давлатга сут сотиш йиллик планини 5 декабргача бажарамиз. Ҳар бош сигирдан 2.630 килограммдан сут соғиб оламиз. Бизнинг мактубга жавобимиз шу.

Сут соғувчи З. Абдусаматова мавсумда ҳарбир сигирдан 3 тоннадан сут соғиб олажагини айтди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ленин номли колхоз фермасида 12 коммунист бор. Улар намуна бўларли иш тутмоқдалар. Бу ферма коллективи давлатга гўшт сотиш 1963 йил планини 5 январдаёқ бажариб қўйган.

Чорвачиликни янада юксалтириш учун мустаҳкам емхашак базаси ҳам бўлиши керак. Ана шундагина юқоридаги мажбуриятлар бажарилади. Колхозда бир йилда икки марта ҳосил олиш мақсадида 40 гектар ерга арпа, 80 гектар ерга силосбоп маккажўхори экиш учун бутун майдонлар ҳозирланиб қўйилган. Бундан ташқари 40 гектарга яқин дуккакли экинлар, 20 гектар озиқабоп лавлаги экиш ҳам мўлжалланган.

Колхоз коммунистларининг ишлари билан сўзлари бир. Улар ўз зиммаларига олган янги мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Ш. ҚОСИМОВ.

## ОЛДИНДА — ЯНГИ МАРРАЛАР

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Тамбов область Мичурин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Коминтерн номли колхоз аъзоларини меҳнат ғалабаси билан — қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши билан самимий табриклади. Колхоз 1962 йилда чорвачиликни ривожлантириш соҳасида дастлабки маррани қўлга киритди — ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига сўйилган вазнда 75,8 центнердан ва бошқа қишлоқ хўжалик майдонларининг ҳар юз гектари ҳисобига 16,1 центнердан гўшт етиштирди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев колхозчиларга Ватанимиз бахт-саодати йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

* * *

Коминтерн номли колхоз аъзолари ўртоқ Н. С. Хрушчевга ёзган мактубларида яқин йилларга мўлжалланган ўз планлари ҳақида, янги марралар ҳақида хабар берадилар ҳамда улар ўз мажбуриятимизни бажариш учун ва мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини яратиш юзасидан партия ва ҳукумат қўйган вазифаларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз, деб ишонтирадилар. (ТАСС).

# ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ БИРЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

## *Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатилмоқда*

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси коллективининг сайловолди йиғилиши сиёсий активлик ғоят ўсган бир вазиятда ўтди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчев**ни ва Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **Владимир Викторович Окунский**ни Тошкент — Ленин сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ленин сайлов округида 1-босмахона коллективи КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Фрол Романович Козлов**ни ва босмахонанинг ҳарф терувчиси **Муборак Холматова**ни республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Марказий телеграф коллективининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Николай Викторович Подгорний** ва Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрининг солисти **Галия Баязитовна Измайлова** Ломоносов сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Сельмаш сайлов округи бўйича Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **Анна Ивановна Бродова**, Марказий сайлов округи бўйича Киров район партия комитетининг биринчи секретари **Алим Акрамов**, Чапаев сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари, республика министри **Иван Иванович Бурлаченко**, Фурманов сайлов округи бўйича Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари **Маъдан Орифжонович Толипов**, Собир Раҳимов номидаги сайлов округи бўйича 159-қурилиш трестининг бошқарувчиси **Иван Петрович Абросимов**, Ўзбекистон сайлов округи бўйича Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари **Павел Иванович Садименко**, Каттабоғ сайлов округи бўйича Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари **Обид Соқиев**, Тельман сайлов округи бўйича Чилонзор район ижроия комитети раиси вазифасини ижро этувчи **Толип Содиқов** республика пойтахти меҳнаткашлари томонидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XX съезди» колхозида ўтказилган сайловолди йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчев** ва Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Карл Маркс номли колхознинг раиси **Ғуломмаҳмуд Абдуллаев** Қатортол сайлов округи бўйича якдиллик билан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Назарбек» совхозининг коллективи КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг раиси **Николай Михайлович Шверник**ни ва Тошкент қишлоқ область ижроия комитетининг раиси **Эркин Турдиевич Шайхов**ни Ленин сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммунизм» колхозида ўтказилган сайловолди йиғилишининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Отто Вильгельмович Куусинен**ни ва «Коммунизм» колхозининг раиси **Турсунбой Латипов**ни Димитров сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Тўйтепа сайлов округи бўйича Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг раиси **Жўра Хўжаев**, Қорасув сайлов округи бўйича Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XXII съезди» колхоз комплекс пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Умри Ҳасанова**, Намданак сайлов округи бўйича Тошкент қишлоқ область ижроия комитети раисининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи **Александр Иванович Руцкий**, Бурчмулла сайлов округи бўйича Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 13-«Бўстонлиқ» совхози мева-узумчилик бригадасининг ходими **Гулайша Жумашева**, Орджоникидзе сайлов округи бўйича Калинин район ижроия комитетининг раиси **Акрам Пўлатович Алимов**, Куйбишев сайлов округи бўйича чорвачилик илмий-тадқиқот институтига қарашли «Красний водопад» тажриба базасининг сут соғувчиси **Анастасия Ивановна Чудная**, Келес сайлов округи бўйича Тошкент қишлоқ область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Қамара Маҳкамова**, Вревский сайлов округи бўйича Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Исмоил Сотиболдиев**, Пушкин сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси **Мамажон Мақсумов**, Олмалиқ сайлов округи бўйича В. И. Ленин номидаги Олтинтопкан қўрғошин-рух комбинатининг директори **Павел Семенович Поклонский**, Оҳангарон сайлов округи бўйича Тошкент саноат область ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи **Аъзам Ашрапович Хўжаев**, Фарҳод сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри **Азиз Ҳакимович Ҳамидов**, Қўрғончи сайлов округи бўйича Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммунизм» совхози иккинчи бўлими лубкорлик бригадасининг бошлиғи **Конусбой Тоғабоев**, Алимкент сайлов округи бўйича Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари **Сеит Меметович Тоиров** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

## ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Тошкент областида область қишлоқ Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш бошланди. Бўка ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Гулистон» колхозида бўлиб ўтган кўп кишилик сайловолди йиғилишининг қатнашчилари колхоз раиси **Эслетдин Ҳайдаров**ни область қишлоқ Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этдилар. Бўка ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленин йўли» колхозининг коллективи шу колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи **Мария Александровна Ковалева**ни депутатликка номзод қилиб кўрсатди.

Бўка район касалхонасининг хирурги **Мустаб Тўхтабоев**, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ильич номли колхознинг пиллачиси **Мубор Маҳмудхўжаева** область қишлоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. (ЎзТАГ).

# Киров ва Пахтаорол районлари бўйича меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Советига сайлов ўтказадиган сайлов округларини тузиш тўғрисида

## *Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитетининг қарори*

**Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Қозоғистон ССР составидан Ўзбекистон ССР составига берилган Киров, Пахтаорол районлари территорияларида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Советига сайлов ўтказадиган қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

**КИРОВ ҚИШЛОҚ РАЙОНИ**

**290-Гагарин-Киров сайлов округи** (маркази — Киров қишлоғининг клуби). чегараси: Киров қишлоғи ва «Победа» совхозининг 1-бўлими.

**291-Фрунзе сайлов округи** (маркази — «Победа» совхози 3-бўлими идораси), чегараси: «Победа» совхози 2-,3- ва 4-бўлимлари.

**292-Жамбул сайлов округи** маркази —Жамбул қишлоқ Совети идораси), чегараси Жамбул қишлоқ Совети.

**293-Октябрь сайлов округи** (маркази—Октябрь қишлоқ Совети идораси), чегараси: «Октябрь 30 йиллиги» совхозининг 1-, 2- ва 4-бўлимлари ҳамда марказий усадьбаси.

**294-Абай сайлов округи** (маркази — Абай қишлоқ Совети идораси), чегараси: Киров номли совхоз, сут—товар фермаси ва «Октябрь 30 йиллиги» совхозининг 3-бўлими.

**295-Первомайск сайлов округи** (маркази — XX партсъезд номли совхоз идораси), чегараси: XX партсъезд номли совхознинг марказий усадьбаси ва 2-, 3, 4-, 5-бўлимлари.

**296-Махтали сайлов округи** (маркази—«Махтали» совхози идораси), чегараси: «Махтали» совхозининг марказий усадьбаси ва 2-, 5-, 6-бўлимлари.

**297-Мирзачўл сайлов округи** (маркази — XX партсъезд номли совхоз 1-бўлимининг идораси), чегараси: XX партсъезд номли совхознинг 1-бўлими ва «Махтали» совхозининг 1-, 3-, 4-бўлимлари.

**298-Чимқўрғон сайлов округи** (маркази — «Чимқўрғон» совхози идораси), чегараси: Чимқўрғон қишлоқ Совети.

**299-Қизилқум сайлов округи** (маркази — «Қизилқум» совхози идораси) чегараси: «Қизилқум» қишлоқ Совети.

**300-Куйбишев сайлов округи** (маркази — Киров номли колхоз идораси), чегараси: Омонгелди қишлоқ Советидаги Омонгелди номли колхоз, Куйбишев қишлоқ Советидаги Киров номли колхоз, касалхона, Жамбул сельпоси, «Казахсельхозтехника»нинг устахона бўлими, Иссиқота, Зейкудуқ, Праликудуқ яйловлари.

**301-Калинин сайлов округи** (маркази — «Қозоғистон ССР 40 йиллиги» колхози идораси), чегараси: Калинин қишлоқ Советидаги «Қозоғистон ССР 40 йиллиги» колхози ва Қораўзак яйловлари.

**302-Тельман—Новосельск сайлов округи** (маркази — Тельман номли колхоз идораси), чегараси: Тельман ва Новосельск қишлоқ Советлари.

303-**«Жетисойстрой» сайлов округи** (маркази — «Жетисойстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари клуби), чегараси: Авезов номли кўчанинг чап томони, «Жетисойстрой», «Жетисой» автобазаси, Мехколонна вокзали территориялари.

**304-Казкиросупр сайлов округи** (маркази — «Казкиросупр» идораси), чегараси: «Красная звезда» совхозининг марказий усадьбаси, 2-Жетисой пахта пункти, Авезов номли кўчанинг Жетисой посёлка Советидаги Жетисой автобазасигача бўлган ўнг томони.

**305-Ленин сайлов округи** (маркази — Ленин номли совхоз идораси), чегараси: Ленин қишлоқ Советидаги Ленин номли совхознинг 1-, 3-, 4-, 5- ва 6-бўлимлари ҳамда марказий усадьбаси.

**306-Интернационал сайлов округи** (маркази — Абай номли колхоз идораси), чегараси: Абай номли колхоз, Интернациональ қишлоқ Советидаги 3-Интернационал колхози.

**307-Қизил юлдуз сайлов округи** (маркази — Красная звезда» совхози 1-бўлими идораси), чегараси: Қорақой қишлоқ Советидаги «Красная звезда» совхозининг 1-, 2-, 4-, 6-бўлимлари.

(Давоми 4 бетда).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

# ЎТГАН ЙИЛНИНГ ЗАФАРЛИ ЯКУНЛАРИ

## *Тошкент область ва Тошкент шаҳар халқ хўжалигини 1962 йилда ривожлантириш давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида*

Тошкент область ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXII съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, 1962 йилда экономикани ривожлантириш, моддий ва маданий турмуш даражасини оширишда янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Халқ хўжалиги айрим тармоқларининг ривожланиши қуйидагича бўлди.

## I. САНОАТ

**Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 102 процент бажарилди. 1962 йилда саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1961 йилдагига нисбатан 12 процент,** шу жумладан, Тошкент шаҳри бўйича 8 процент ва Тошкент области бўйича 18 процент кўпайди. **Пландан ташқари ўнларча миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.**

Етти йилликка мўлжалланган план ортиғи билан адо этилмоқда. **Ўтган тўрт йил ичида саноатнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми етти йиллик планида шу йиллар учун мўлжалланган 44 процент ўрнига 55,6 процент ошди.** Тўрт йил ичида белгиланганидан ташқари юзларча миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Йиллик планнинг бажарилиши ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпайиши қуйидагича бўлди:

| | Йиллик планнинг бажарилиши (процент ҳисобида) | 1962 йилда 1961 йилдагига нисбатан (процент ҳисобида) |
|---|---|---|
| Халқ хўжалиги кенгаши саноати | 103 | 112 |
| Шу жумладан, тармоқлар бўйича: | | |
| Қора металлургия | 105 | 106 |
| Кўмир саноати | 105 | 115 |
| Машинасозлик | 103 | 123 |
| Химия саноати | 103 | 111 |
| Ёғоч, қоғоз, ёғочсозлик саноати | 96 | 113 |
| Бинокорлик материаллари саноати | 104 | 132 |
| Енгил саноат | 102 | 103 |
| Озиқ-овқат саноати | 103 | 103 |
| Бошқа тармоқлар бўйича | 102 | 111 |
| Маҳаллий Советлар саноати | 94 | 89 |
| Республика министрликлари ва ведомстволари саноати | 103 | 116 |
| Иттифоқ министрликлари ва ведомстволари саноати | 101 | 117 |

**Пўлат, прокат ишлаб чиқариш йиллик плани муваффақиятли адо этилди.** Йиллик пландагига нисбатан 49 миллион киловатт-соат кўп электр қуввати ҳосил қилинди, 42 минг тонна қўнғир кўмир, минглларча тонна минерал ўғит, 17 экскаватор, 602 дона трактор прицепи, 90 та пахта териш машинасини, 26 минг тонна цемент, 213 минг шартли плита асбоцемент шифери, 78 шартли километр асбоцемент трубалари, 4,4 минг тонна пахта толаси, 258 минг квадрат метр ипгазлама, 390 минг дона ички трикотаж ва 250 минг дона устки трикотаж, 378 тонна ўсимлик мойи, 86 минг шартли банка консерва, 72 минг декалитр узум виноси ва бошқа хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

1962 йилда саноат маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1962 йилда ишлаб чиқарилган | 1962 йилда 1961 йилдагига нисбатан (процент ҳисобида) |
|---|---|---|
| Кўмир—минг тонна | 4641 | 111 |
| Электр қуввати (район электростанциялари ва блокстанцияларда ҳосил қилинган) — миллион киловатт соат | 5339 | 110 |
| Экскаваторлар — дона | 817 | 108 |
| Кўприк кранлари — дона | 837 | 118 |
| Пахта териш машиналари — дона | 6090 | 142 |
| Тракторлар—дона | 8955 | 111 |
| Кўрак чувийдиган машиналар—дона | 2505 | 160 |
| Пахта сеялкалари—дона | 6335 | 92 |
| Трактор культиваторлари—дона | 14545 | 151 |
| Трактор прицеплари—дона | 16602 | 137 |
| Компрессорлар—дона | 1188 | 145 |
| Химия асбоб-ускуналари—минг сўмлик | 10152 | 111 |
| Бронекабель—метр | 7869 | 116 |
| Еритиш шнури—метр | 67814 | 118 |
| Цемент—минг тонна | 985 | 192 |
| Йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари—минг кубометр | 617 | 128 |
| Асбоцемент шифери—минг шартли плита | 30213 | 102 |
| Асбоцемент трубалари—шартли километр | 1478 | 105 |
| Дераза ойнаси — минг квадрат метр | 2495 | 124 |
| Юмшоқ ёпилғи материаллари—минг квадрат метр | 9055 | 110 |
| Қоғоз—минг тонна | 10 | 101 |
| Мебель—минг сўмлик | 11436 | 115 |
| Пахта толаси—минг тонна | 157 | 111 |
| Газ плиталари—дона | 45609 | 107 |
| Рўзғор холодильниклари—дона | 11817 | 150 |
| Ип-газламалар—миллион квадрат метр | 168 | 100 |
| Устки трикотаж—минг дона | 2146 | 108 |
| Чарм пойафзал—миллион жуфт | 9 | 101 |
| Ўсимлик мойи—минг тонна (колхозлар ва аҳоли хўжаликлари ишлаб чиқарганидан ташқари). | 32 | 112 |
| Ёғи олинмаган сут маҳсулотлари—минг тонна | 52 | 104 |
| Мол ёғи (колхозлар ва аҳоли хўжаликлари ишлаб чиқарганидан ташқари) — тонна | 410 | 119 |
| Гўшт (колхозлар ва аҳоли хўжаликлари ишлаб чиқарганидан ташқари биринчи категорияли гўштлар киради)—минг тонна | 29 | 96 |
| Колбаса маҳсулотлари—минг тонна | 13 | 110 |
| Макарон маҳсулотлари—тонна | 13468 | 114 |
| Консервалар—миллион шартли банка | 55 | 106 |
| Нон ва нон маҳсулотлари—минг тонна | 185 | 104 |
| Кондитер маҳсулотлари—минг тонна | 17 | 96 |
| Узум виноси (колхозларда тайёрланганидан ташқари)—минг декалитр | 1302 | 109 |
| Совун — минг тонна | 10,5 | 159 |
| Пиво—минг декалитр | 3339 | 101 |

**Область саноатида меҳнат унумдорлигини ошириш плани 102 процент бажарилди. Ўтган йили 1961 йилдагига қараганда меҳнат унумдорлиги 6 процент ошди.**

Саноат корхоналари, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларида машиналар ва механизмларнинг янги хиллари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. 1962 йил мобайнида область корхоналарида жуда кўп миқдорда қўшимча металл қирқадиган станоклар, темирчилик-пресслаш ва бошқа хил асбоб ускуналар ўрнатилди.

Ихтирочилар ва новаторлар техника тараққиётини янада жадаллаштиришга яқиндан ёрдам бердилар. Улар 20 мингга яқин таклиф киритишди. Бу таклифларнинг ярмидан кўпроғи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шулар ҳисобига давлатнинг ҳар йили 10 миллион сўмлик маблағини тежаб қолиш имкони туғилди.

Ялпи маҳсулот тайёрлаш йиллик плани ошириб адо этилгани ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсганлигига қарамасдан саноат ишида айрим камчиликлар ҳам содир бўлди. Ўтган йилда бир қатор корхоналар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармадилар. «Ўзбекхиммаш» заводи, Олмалиқ мебель фабрикаси, Куйбишев районидаги йигирув-тўқув фабрикаси, Фрунзе районидаги пластмасса буюмлари заводи ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Бир неча корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича топшириқ бажарилмади.

## II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК

КПСС Марказий Комитетининг март ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бутун куч ва имкониятларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун мавжуд резервлардан унумли фойдаланишга қаратдилар.

**1962 йилда барча категориядаги хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдони 5,9 минг гектарга кўпайди ҳамда 528,1 минг гектарга етди.** Экиш плани 101,2 процент бажарилди.

Область колхоз ва совхозлари экин майдонларининг структурасини қайта кўриб чиқдилар, ўтли далаларни камайтириш ҳисобига техника экинлари, маккажўхори ва оқжўхори экиладиган ерларни кенгайтирдилар. Дуккакли экинлардан нўхот, ловия ва бошқалар экилди.

Техника, сабзавот, полиз экинлари ҳамда картошка етиштириш ҳажми анча ошди. Шу хил экинлар экиладиган майдон барча суғориладиган ернинг 70 процентини ташкил этди.

Ғўзани парвариш қилишда асосий ишлар комплекс механизацияни янада жорий қилиш йўли билан олиб борилди: 61,8 процент майдонга чигит квадрат-уялаб, шу жумладан 20,4 процент майдонга уруғликни уяларга аниқ ташлайдиган селка ёрдамида экилди. Барча пахта майдонининг 83 процентидаги ғўзалар икки томонлама культивация қилинди.

1962 йилда область колхоз ва совхозлари давлатга 414,8 минг тонна пахта сотдилар. Бу йиллик планнинг 83 процентини ташкил этади.

Ўтган йилги ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли юз берган қийинчиликларни енгиб **Қуйи Чирчиқ райони меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш планини 122 процент бажардилар. Улар ҳар гектар ердан 27,8 центнердан «оқ олтин» ҳосили олдилар. Оржоникидзе райони бўйича давлат плани 104,7 процент бажарилди, ҳар гектар ердан 28,7 центнердан ҳосил кўтарилди. Юқори Чирчиқ райони пахтакорлари ҳар гектар ердан 28,4 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни 101,2 процент қилиб бажардилар. Чиноз райони бўйича пахта тайёрлаш плани 100,1 процент адо этилди.**

Айни вақтда Оққўрғон, Гулистон, Комсомол, Сирдарё, Янгиер, Бекобод, Бўка, Пискент районлари давлатга пахта сотиш планини бажармадилар. Натижада область бўйича йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилмади.



**3-айланма печни белгиланган муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топширамиз! — Оҳангарон цемент заводи қурувчилари ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Ўрта Осиё цемент саноатининг бу гиганти қуриб битказилгач, маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имкони туғилади. Суратда: корхона қурилишининг участкаларидан бирида.**

**В. Кожевников** фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўтган йили пахтани механизация ёрдамида йиғиб-териб олиш амалга оширилди. Область бўйича пахта териш машиналари билан ҳаммаси бўлиб 85,3 минг тонна «оқ олтин» терилди. 1962 йилда Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммунизм» колхози, Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасининг «Ленинград» колхози ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози сингари илғор хўжаликлар пахтани машинада теришда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Ўтган йили пахтани тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз ташиш кенг қўлланилди. 378,7 минг тонна пахта қоп-қанорсиз ташилди. Бу, барча тайёрланган пахтанинг 91,3 процентини ташкил этади. **Ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш плани 104,9 процент бажарилди.**

Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларининг каноп экувчи колхоз ва совхозлари дуруст ютуқларга эришдилар. Улар каноп етиштириш бўйича **етти йилликнинг охирги йилига мўлжалланган даражадан** ошиб кетдилар. **Область бўйича луб экинлари сотиш йиллик плани 116,7 процент бажарилди.** Давлатга 1961 йилдагига нисбатан 5858 тонна кўп луб сотилди.

Сабзавот экинлари харид қилиш плани 101 процент бажарилди. 1961 йилдагига қараганда давлатга 27058 тонна кўп сабзавот сотилди. Калинин, Бўстонлиқ ва Оҳангарон районларининг меҳнаткашлари сабзавот етиштиришни анча кўпайтирдилар ҳамда давлатга сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш планини орттириб бажардилар.

1962 йилда давлатга 1961 йилдагига нисбатан 5,8 минг тонна кўп дон, 2,5 минг тонна гуруч, 6,8 минг тонна картошка, 12,1 минг тонна полиз экинлари ва 1,2 минг тонна мева кўп сотилди.

Область чорвадорлари жамоат чорвачилигини ривожлантиришда айрим муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Ўтган йили колхоз ва совхозларда моллар сони қуйидагича бўлди (йил охиригача минг бош ҳисобида):

| | 1962 йилда | 1962 йилда 1961 йилдагига нисбатан (процент ҳисобида) |
|---|---|---|
| Йирик шохли қорамоллар | 136,9 | 103,8 |
| Шу жумладан, сигирлар | 44,8 | 100,7 |
| Чўчқалар | 81,2 | 105,1 |
| Қўй ва эчкилар | 425,2 | 101,4 |

1962 йилда область бўйича гўшт харид қилиш давлат плани 102,9 процент бажарилди. Давлатга 1961 йилдагидан 1915,1 тонна кўп гўшт сотилди. Тухум харид қилиш плани 116 процент бажарилди, давлатга 1961 йилдагига қараганда 2745,4 минг дона кўп тухум сотилди.

Ҳозирги вақтда кўкламги экишга тайёргарлик ва чорва қишловини яхши ўтказиш ишлари қизитиб юборилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига хатини, партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини чуқур ўрганиб, колхозлар, совхозлар ва ишлаб чиқариш бошқармалари ўз ишларини яхшилаш, пахта, шунингдек бошқа хил қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича етти йиллик бешинчи йили планларининг бажарилишини таъминлашнинг конкрет тадбирларини белгиладилар.

## III. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1962 йилда область ва Тошкент шаҳар қурувчилари айрим муваффақиятларга эришдилар. **Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, бир неча мавжуд корхоналарнинг қувватлари оширилди. Олтинтопган кон-металлургия комбинатининг мис саралаш фабрикаси биринчи навбати, Оҳангарон цемент заводининг йилига 450 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккинчи технологик линияси, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида пўлатни узлуксиз қуйиш установкаси қурилиши тугалланди. Тошкент кабель заводи, Чирчиқдаги электрохимкомбинат, «Ўзбекхиммаш» заводи, Олмалиқ мебель фабрикасида қўшимча қувватлар ишга туширилди.**

Ўтган йили газопровод магистрали қурилиши бўйича катта ишлар амалга оширилди. 1962 йилда Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл, Бекобод, Янгиер шаҳарлари газ қабул қилишни давом эттирдилар.

**1962 йилда 45 минг квартира газлаштирилди.**

Сув хўжалиги қурилиши ҳамда Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Янги пахта етиштирувчи совхозлар бунёдга келди. **1962 йилда қурилишга ажратилган капитал маблағларнинг умумий миқдори 243 миллион сўмни ташкил этди.** Бу 1961 йилдагига қараганда 12 процент кўпдир. Бироқ давлат капитал маблағларини ўзлаштириш плани бажарилмади.

**Уй-жой қурилиши кенг кўламда олиб борилди. 1962 йилда 345 минг квадрат метр ҳажмда турар-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.** Бу 1961 йилдагига нисбатан 66 минг квадрат метр кўпдир.

Давлат капитал маблағлари ва бошқа манбаълар ҳисобига катта ҳажмда касалхоналар, поликлиникалар, мактаб ҳамда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилди.

1962 йилда 25 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар фойдаланишга топширилди. Кўпгина министрликлар ва область ведомстволари бўйича давлат капитал маблағларини ўзлаштириш ўтган йили 1961 йилдагига қараганда қуйидагича ортди:

| | |
|---|---|
| Халқ хўжалиги кенгаши бўйича— | 11 процент |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги совхозлари ва корхоналари бўйича — | 45 процент |
| «Узсельхозтехника»нинг область бирлашмаси корхоналари бўйича— | 14 процент |
| Алоқа корхоналари бўйича— | 28 процент |
| Савдо ташкилотлари бўйича — | 41 процент |
| Область ижроия комитети бўйича — | 13 процент |
| Шаҳар ижроия комитети бўйича — | 7 процент |
| «Главголодностепстрой» бўйича— | 29 процент |

Пудратчи қурилиш ташкилотлари ўтган йили қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 1961 йилдагига нисбатан 4 процент кўпайтирдилар ҳамда йиллик планни 102 процент адо этдилар.

Қурилишда индустриал методлар кенг қўлланмоқда, заводда тайёрланаётган конструкция ва деталлардан фойдаланиш анча ўсди, биноларни тайёр деталлардан йиғиш кўпайди, қурилиш ишларининг механизация даражаси ошди.

Шу билан бир қаторда қурилишдаги ишларни ташкил этишда ҳамон камчиликларга йўл қўйилмоқда. Машина ва механизмлардан тўла фойдаланилмаётир. Оқибатда айрим қурилишларда кўп меҳнат талаб ишлар қўлда бажарилмоқда. Материаллар ва маблағларни муҳим объектларга тўплашда ҳануз камчиликлар содир бўлмоқда.

Айрим ташкилотлар мунтазам равишда қурилиш-монтаж ишлари, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган планларни, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш бўйича топшириқларни бажармаётирлар.

## IV. ТРАНСПОРТ

**Темирйўл ва автомобиль транспорти корхоналари коллективлари ўтган йили яхши кўрсаткичларга эришдилар. Тошкент ва Урсатьевск темир йўл бўлинмаларида юк ортиш йиллик плани ортиғи билан адо этилди. Автомобиль транспортида юкларни ташиш ҳажми 1962 йилда 1961 йилдагига қараганда 13 процент ортди,** шунингдек **18 процент кўп пассажир ташилди.**

## V. ТОВАР ОБОРОТИ

Ўтган йили меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва маданий турмуш шароитини яхшилашда катта муваффақиятларга эришилди.

Аҳоли томонидан турли товарлар харид қилиш кўпайди. Давлат ва кооператив савдосининг умумий ҳажми 948,7 миллион сўмни ташкил этди. Товар обороти йиллик плани 100,5 процент бажарилди. Пландагидан ташқари аҳолига 4,2 миллион сўмликдан ортиқ товарлар сотилди. Умумий овқатланиш корхоналари товар обороти планини 101,3 процент адо этдилар.

Ўтган йили товар оборотининг ўсиши 1961 йилдагига қараганда қуйидагича бўлди (процент ҳисобида):

| | Барча чакана товар обороти | Шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарининг товар обороти. |
|---|---|---|
| **Давлат савдоси** | **108** | **108** |
| Шу жумладан: | | |
| Савдо министрлиги корхоналари | 107 | 108 |
| ОРС ва продснаблар | 108 | 108 |
| **Кооператив савдоси** | **104** | **105** |

Ўтган йили чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тармоғи кенгайди. Саноат ва озиқ-овқат товарларини сотадиган ихтисослашган магазинлар тармоғи кўпайди. Савдо қилишнинг янги формалари жорий қилинди, жумладан ўзига-ўзи хизмат кўрсатувчи ва қадоқланган товарлар бўлимларига, шунингдек прогрессив формаларда савдо қиладиган бўлимларга эга бўлган магазинлар очилди.

Товар обороти ҳажмининг кўпайишига қарамай, аҳолининг айрим товарларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмади. Кўпгина савдо ташкилотлари, шунингдек саноат корхоналари аҳоли эҳтиёжларини ўрганишга етарли эътибор бермадилар. Бунинг натижасида чакана савдо тармоқларида ва савдо ташкилотларининг омборларида аҳоли талаб қилмаётган товарлар янада кўпайиб кетди.

## VI. МАДАНИЯТ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш анча яхшиланди. Умумий таълим мактабларидаги ўқувчилар сони, ишчи ва қишлоқ ёшлари кечки мактабларида таълим олаётганлар ҳам шу ҳисобга киради, 1961 йилдагига қараганда 49,7 минг кишига кўпайди ва 1962 — 1963 ўқув йили бошланиши олдидан 520,5 минг кишига етди. Ўрта махсус ва олий ўқув юртларидаги студентлар сони шу давр ичида 11 минг кишига кўпайди ва 112,4 минг кишини ташкил этди. Айниқса, кечки ва сиртқи ўқув юртлари ўқувчиларининг сони кўпайди.

Мактаб-интернатлар қурилишига катта эътибор берилди. Янги ўқув йили бошланиши олдидан областимиз бўйича 27 та мактаб-интернат бор эди, уларда 10900 бола таълим олаётир.

1962 йилда ишлаб чиқариш таълимига эга бўлган мактабларнинг 11-синфини биринчи марта 1312 киши битириб чиқди.

14201 киши олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиқди ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаш учун йўлланма олди. 1962 йилда олий ва ўрта махсус таълими олган мутахассислар соҳалар бўйича қуйидагича бўлди:

| | Олий маълумот олганлар | Ўрта махсус маълумот олганлар. |
|---|---|---|
| Қишлоқ хўжалиги | 848 | 907 |
| Саноат | 983 | 1330 |
| Транспорт ва алоқа | 818 | 644 |
| Қурилиш | 442 | 425 |
| Соғлиқни сақлаш | 875 | 1133 |
| Экономика ва ҳуқуқ | 687 | 998 |

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди. Касалхоналардаги койкалар ва болалар яслиларидаги ўринлар кўпайди. Ўтган йили пионер лагерларида 69063 ўқувчи дам олди.

Халқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўйича 1962 йил планларининг бажарилиш якунлари областимиз экономикаси бетўхтов ўсиб бораётганлиги, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси ошаётганлигидан далолат бериб турибди.

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.**
**ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.**

## ЯНГИ КОДЕКСЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Кейинги йилларда республикада Ўзбекистон ССРнинг янги кодексларини тайёрлаш учун кенг миқёсда иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон 1959 йилда янги, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларини, судлов ишларини юргизиш тўғрисидаги қонунни иттифоқчи республикалар орасида биринчи бўлиб қабул қилган эди. Ҳозирги вақтда Гражданлик кодекс ва гражданлик-процессуал кодекс лойиҳаларини ишлаб чиқиш тамомланди. Бу лойиҳалар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссиянинг Тошкентда очилган республика кенгашида муҳокама қилина бошлади. Бу кенгашда республика Олий суди ва Прокуратураси, давлат арбитражи ва нотариати, Ўзбекистон касаба союзлари советининг ходимлари, олимлар, халқ судьялари ва одвокатлар қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон ССР нинг янги Гражданлик кодекси ва Гражданлик-процессуал кодекси лойиҳаларини муҳокама қилмоқ учун Москва ва Ленинград юридик олий ўқув юртларининг олимлари, Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссиянинг раиси М. А. Гасанов, Арманистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссиянинг раиси К. И. Ионесян, Литва ССР Олий Совети Президиуми юридик бўлимининг мудири Е. Я. Яцовскис, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми юридик бўлимининг мудири А. Б. Булгакбоев, Қирғизистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссиянинг раиси М. Жумабоев, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми юридик бўлимининг мудири М. И. Ражабековлар Тошкентга келдилар.

Тўртинчи февралда биринчи ялпи мажлис бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова очди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков «Ўзбекистон ССР Гражданлик ва Гражданлик-процессуал кодекслари лойиҳалари тўғрисида» доклад қилди. Шундан кейин янги кодексларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш секцияларнинг мажлисларига кўчирилди.

Кенгашнинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссия раисининг ўринбосари С. В. Кузнецов, СССР Олий Суди раисининг ўринбосари В. В. Куликов қатнашмоқдалар. (ЎзТАГ).

## ҲАММА НАРСА МУҲАЙЁ

— «Киройи агитпункт деса арзийди», биз айниқса ишдан кейин шу ерда мириқиб дам оляпмиз».

Шу кунларда пойтахтимиздаги Тинчлик маҳалласида бўлиб қолсангиз, 92-ўрта мактаб биносига жойлашган агитпункт ҳақида ана шундай ёқимли сўзларни эшитасиз. Бу бежиз эмас. Дарҳақиқат юксак дид билан шинам қилиб безатилган агитпунктда сайловчиларнинг маданий хордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилган.

Агитпунктга келган ёшлар эътиборини газета ва журналларнинг янги сонлари жалб этса, бошқаларини ўтказиладиган суҳбатлар темаси қизиқтиради. Қариялар эса маҳалла территориясида ўтган сайловдан буён юз берган ўзгаришлар ҳақида ўзаро суҳбат қуришади.

Маҳалла территориясида ўзбеклар билан бирга аҳил бир оила бўлиб рус, украин, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилади. Агитколлектив маҳалла аҳолисининг партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларига бўлган қизиқишини ҳисобга олиб рус ва ўзбек тилларида иккита сиёсий тўгарак ташкил қилди. Бу тўгарак қатнашчиларининг кўпчилиги уй ишлари билан шуғулланувчи аёллар ва пенсионерлардир.

Агитаторлар бу маҳаллада истиқомат қилувчи ҳарбир оила учун қадрдон бўлиб қолди. Айниқса С. Гарифжонова, М. Исаева, М. Юсупова, Н. Азимов, М. Ғуломова, Е. Шомаҳсудов каби тажрибали агитаторлар сайлов олди агитация ва тушунтириш ишларини намунали ташкил қилмоқдалар. Улар ўзларига бириктилган ҳарбир хонадондаги сайловчилар билан қандай темада суҳбат ўтказиш зарурлигини яхши билишади.

Маҳаллада яшовчи Маҳмудов, Ёқубов, Содиқов ва Маликов каби пенсионер отахонлар агитпунктга яқиндан ёрдам беришмоқда.

**И. ВИНЕР.**

## БИЗНИНГ АГИТПУНКТ

*Пойтахтимиздаги политехника техникуми биносига жойлашган агитпункт шу кунларда агитациянинг ҳақиқий марказига айланган. Техникум ўқитувчи, студентлари сайловолди агитация ишларида актив қатнашмоқдалар.*

*Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда агитаторларга методик жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиляпти, мунтазам равишда семинар-консультациялар ўтказиляпти. Ҳар бир лекция ёки суҳбат темаси пухта ишланиб, зарур плакат ёки қўшимча материаллар билан бойитилмоқда. Шунинг учун ҳам сайловчилар бундай суҳбатларни қизиқиш билан тингламоқдалар.*

*Агитпунктда сайловчилар зерикиб қолмайдилар, маданий дам олиш учун ҳамма шароит бор. Навбатчилар уларга кундалик янгиликлар, халқаро аҳвол ҳақида сўзлаб беришади.*

*Бизнинг агитпункт эрталаб соат 9 дан тунги 12 гача сайловчилар билан гавжум бўляпти.*

*А. ШОКИРОВ.*

БУГУН ТОШКЕНТДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН САНЪАТИ ВА АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНАДИ

# Сәлем, қарақалпақ елинен!

## ҚАТРАДА АКС ЭТГАНДЕК ҚУЁШ...

**Ғалим СЕЙТНАЗАРОВ**
**Қорақалпоғистон Совет ёзувчилари союзи правлениесининг масъул секретари**

□ □ □

Қатрада қуёш акс этганидек, қорақалпоқ адабиёти ва санъатида ҳам бутун бир халқнинг тақдири кураши, меҳнати ва рўзғори, севгиси ва хаёли товланиб турибди. Сиз Амударё соҳилларида, Орол ёқаларида, Қизилқум четларида, Чимбой далаларида, Хўжайли боғларида, Шоббоз полизларида яшовчиларнинг хоҳ қадимги мерослари — «Алпомиш», «Қоблан», «Қирқ қиз», «Моспошша»лари билан танишар экансиз, хоҳ Кунхўжа ё Ажиниёзнинг, Жиян бахши ё Бердақнинг, Аббос Добилов ё Содиқ Нуримбетовнинг, Жўлмирза Оймирзаев ё Иброҳим Юсуповнинг китобларини варақлаб кўрар экансиз, хоҳ Станиславский номидаги театрнинг «Ойгул обод»ини, «Яйловда тўйи»ни томоша қилар экансиз, хоҳ нукусли бастакорларнинг куйларини мириқиб эшитар экансиз, бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Бугун Тошкентда бошланадиган қорақалпоқ санъати ва адабиёт ҳафталиги аввало ана шу жиҳатдан мароқлидир.

Халқлар бир-бирларидан баҳра олмай туролмайдилар. Улар бир-бирларининг ширин лутфларига, қизғин муҳаббатларига, ёқимли куйларига муштоқлар. Шу сабабли бизларга Навоий билан Бердақ ҳам, Ҳамза билан Аяпберган ҳам бирдай азиз, бир қориндан тушган каби. Негаки улар одам юрагини тараннум этганлар, халқ бизларни қалбига жойласин деб, кўзларининг нурини тўкиб ёзганлар. Дарвоқе, халқ учун яшаш, курашиш, ижод қилиш энг олий бахт, энг улуғ мартаба. Автоном республика ижодчилари буни ўз интилишларида тобора **кенгроқ** ва **чуқурроқ** ҳис қилмоқдалар.

Бугун Қорақалпоғистонда қўл урилмаган мавзуни, тасвирланмаган соҳани топиш қийин. Ёзувчиларимиз Орол балиқчилари, Тўрткўл пахтакорлари, Тахиатош энергетиклари, Чимбой чорвадорлари, Нукус бинокорлари ҳаётини ва меҳнатини қаламга олдиларки, бу билан фахрланмасликнинг иложи йўқ. Уларнинг энг эзгу орзулари — халққа, партияга содиқ хизмат қилишдир, коммунизм адабиётини яратишга ўз улушларини қўшишдир.

Ўзларингизга аёнки, поэзия—қорақалпоқ совет адабиётининг етакчи тури. Усиз маданий бойлигимизни, руҳан тетиклигимизни тўлиқ тасаввур қилиш мумкин эмас. У бизга ҳар куни, ҳар соатда иш бериб турган энг керакли, зангламас қурол. Бу қуролни усталик билан ишлатишда, совет поэзиясининг овозини баралла қўйишда хусусан халқ шоири Содиқ оға Нуримбетовнинг хизмати катта. Отанинг қўшиқлари юракдан чиқиб юракка кирадиган қўшиқлардир. Улар дил суви билан суғорилган. Уларда замонавийлик, халқчилик барқ уриб турибди. Улар қорақалпоқ овулларида тиниқ жарангламоқда. Кекса авлод вакили — Содиқ оға билан биргаликда янги авлод куйчилари — Иброҳим Юсупов, Тиловберген Жумамуратов, Матен Сейтниёзов ажойиб тарзда жўр бўлаётир. Уларнинг гўзал лирикалари, жўшқин поэмалари, ўткир сатиралари поэзиямиз майдонида ўзига кенг йўл очиб олди.

Бу ерда прозамизнинг ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бундан ўн йил олдин «қолоқ соҳа» деб келинган прозани энди камситишга тил бормайди. Бизнинг бугун ўнлаб романларимиз, қиссаларимиз, ҳикояларимиз, очеркларимиз бор. Энг қувончлиси шуки, қорақалпоқ насрида қалам тебратаётганлар асосан ёшлардир. Адибларимизнинг ҳамма насрий асарларини битталаб санаб бериш мушкул бўлса-да, лекин уларнинг энг яхшиларини тилга олиб ўтиш мақбулдир. Китоб шинавандаларига «Секретарь», «Муаллимга раҳмат!» повестлари билан танилган Тўлеберган Каипбергенов сўнгги уч йил ичида «Сўнгги ҳужум», «Қорақалпоқ қизи» романларини ёзиб тақдим этди. Булардан айниқса «Қорақалпоқ қизи» деб аталгани диққатга сазовор. Роман авторнинг психологик образ яратишдаги жасоратидан далолат бермоқда. Насрчилардан Караматдин Султоновнинг «Оқдарё», Хўжабек Сеитовнинг «Машаққатли бахт» романлари ҳам, Абат Алиевнинг «Кутган кун», Жанабой Сафаровнинг «Устюртга ҳужум» повестлари ҳам халққа манзур бўлаётир. Аденбой Тожимуратовнинг «Саркопли ботир» повести эса қорақалпоқ болалар адабиётида янги воқеа бўлди.

Драматургия ва адабиётшунослик хусусида ҳам шундай ёқимли сўзларни айтиш мумкин. Хуллас, адабиётнинг ҳамма жанрларида ва ҳамма соҳаларида жавлон урилмоқда, бири-биридан чиройлик ва муаттар бўлган ранго-ранг гуллар очилмоқда.

Ҳафталик — санъат тўйи, ижодий намойиш дегани. Лекин биз байрамларда ҳам камчиликларимизни бетга айтишга ўрганиб қолганмиз. Бизнинг адабиёт майдонида эгалланган янги марралар, эришилган яхши натижалар билан талтайиб кетишга сира ҳаққимиз йўқ. Ўзимизга яраша ташвишларимиз бор: бадиий савия, адабий маҳорат масаласида ҳали кўп тер тўкишимиз лозим. Поэзиямиз қуруқ мадҳиябозликдан, ширасиз мисралардан узил-кесил қутилгани йўқ. Айрим насрларимизда мазмундан кўра ҳажмнинг «қалин»лиги сир эмас. Адабий танқидчилигимиз ҳамон кенг қулоч ёзолмай турибди.

Биз Тошкентда бир ҳафта бўламиз. Турган гап, мақтовлар ва олқишлар қатори қорақалпоқ совет адабиёти шаънига аччиқ-қурум гаплар ҳам, ижодий бахслар ҳам бўлади. Сабаби: «дўст ачитиб гапиради». Биз булардан ўзимизга тегишли сабоқ чиқарамиз ва совет адабиёти байроғини янада баланд кўтариш учун ижодий куч йиғиб қайтамиз.

Мен газетада мақолам чиқаётганлигидан фойдаланиб, биринчидан, қорақалпоқ адабиёти намуналарини ўзбек халқи орасида ёйишга шоирлардан Уйғун, Миртемир, Мамарасул Бобоев, Ҳамид Ғулом, Султон Акбарий, Шуҳрат, Жуманиёз Жабборов каби касбдошларимизнинг, таржимонлар ва ноширларнинг меҳнатлари сингиганини миннатдорлик билан қайд қилиб ўтмоқчиман, иккинчидан, бизни лутфан таклиф этган ва иссиқ кутиб олган тошкентликларга **«Тошкент ҳақиқати»** орқали Нукусдан яна бир марта алангали салом топширмоқчиман.

Чеҳраларидан нур ёғилиб турган бу кишилар қардош қорақалпоқ элидан пойтахтимизда ўтказиладиган ҳафталикка келган санъаткорлардир. Суратда (чапдан): артистка Маржон Ҳолмуротова, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Реимбой Сеитов, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Сафаргул Авезова, артист Реимбой Ержонов, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Ойимхон Шомуротова, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Йўлдош Шарипов, артистка Фотима Реимбоева, композитор ва дирижёр Олимжон Ҳалимов, артистка Хоним Сафарова, артистка Марям Саимбетова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Абдураим Султонов ўртоқлар.

А. Абалян фотоси.

**Т. СЕИТЖОНОВ**

## ТОШКЕНТ

**Шарқда гуллаб, гуркираган қалъасан,**
**Кундан-кунга ўзга чирой оласан,**
**Кўчаларинг оралаб, бир сайр этсам**
**Москвани хотирамга соласан.**
**Қариндош ўзбекнинг машҳур шаҳари,**
**Қўйнингда нур сочар бахтнинг баҳори.**
**Неъматларга тўла чаман боғларинг,**
**Бир кўрганни минг бор қилар хумори.**
**Ўғил-қизинг меҳнаткаш, ботир, довюрак,**
**Халқингнинг меҳмонга ҳурмати юксак,**
**Боғда гул, кўкда нур, кўчанг тоши ҳам**
**Қадрдон дўстликдан беради дарак.**
**Ариқлар куйлайди гўёки булоқ,**
**Кўчаларинг нурдан тунда ҳам порлоқ.**
**Азамат заводлар басавлат турар,**
**Ҳам гўзал шаҳарсан, ҳамда гўзал боғ.**
**Улуғ маданият барқ урган жойи,**
**Билимнинг булоғи, илм саройи.**
**«Оқ олтин»нинг маконисан, «оқ олтин»**
**Бу ҳам ўзбек элининг бир чиройи.**
**Тарих ўзи меҳнат қилган ҳар куннинг,**
**Маконисан аския-ю кулкининг,**
**Фақат сенмас, ҳатто Нукус фахр этар**
**Борлигидан Ҳалимадек булбулинг.**
**Сенда камол топди Ҳамзадек инсон,**
**Сендан илҳом олди Ҳамид Олимжон,**
**Сенинг ўғилларинг, бағрингда ўсган**
**Ҳар фарзандинг менга азиз, қадрдон.**
**Мен ҳам таълим олиб, боғларинг кездим,**
**Таърифингни бугун шеъримга тиздим.**
**Гулзорингни кезиб, кўлингда суздим,**
**Ёшлигимдан сенинг меҳрингни сездим.**
**Гул эксам арзийди боғингга сенинг,**
**Юрагим жўр бўлар торингга сенинг,**
**Асло армоним йўқ, гулдек очилиб**
**Агар пайванд бўлсам толеъингга сенинг,**
**Мен ҳам бир ўзбекдек севаман, Тошкент,**
**Дўппинг тақиямдек кияман, Тошкент,**
**Мангу юрагимда иззат, ҳурматинг,**
**Кўрганда бошимни эгаман, Тошкент.**

Қорақалпоқчадан **ШУКРУЛЛО** таржимаси.

*Наврўз ЖАПАҚОВ*

## КРЕМЛДА

*Кремлнинг кенг саройи*
*Кундай яшнаб кулимлайди.*
*Қарши олиб қулоч ёйиб*
*«Хуш келибсиз», иним, дейди,*
*Улуғ Ленин монументи*
*Тўрдан боқиб турар бизга.*
*Йўл кўрсатиб қўл чўзганди,*
*Мазмун бериб нутқу сўзга.*
*Тинчлик эрур инсон бахти,*
*Ҳаво сувдай, нурдай керак.*
*У билан ер кулиб боқди,*
*Саодатга удир тиргак.*
*Уни жаҳон, халқ севади,*
*Чўлларга у ҳаёт берар.*
*Тинчлик шиндай бол меваки,*
*Уни ҳамма халқлар терар.*
*Тинчликнинг бол меваси мўл,*
*Қанча терсанг етажакдир.*
*Бу мевали улуғ боғни*
*Халқлар чаман этажакдир.*
*Тинчлик деган ўзи бўлмас,*
*Яшар улуғ ишимизда,*
*Дўстлигимиз, бирлигимиз,*
*Қудратимиз, кучимизда.*
*Партиядир етакчимиз,*
*Адо этиб виждон бурчин*
*Тинмай кураш этажакмиз*
*Тинчлик учун, тинчлик учун!*

*Қорақалпоқчадан Ю. ШОМАНСУР таржимаси.*

## МАРҲАБО, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Бир неча кундан буён гўзал пойтахтимизга қон-қардош қорақалпоқ халқининг талантли фарзандлари, атоқли санъаткорлари ва адабиётчилари, ёш ижодкорлари келиб турибдилар.

Шаҳримиз жамоатчилиги азиз меҳмонларни шод-ҳуррамлик билан кутиб олар экан.

— Марҳабо, азиз дўстлар! — демоқда.

Бугун Тошкентда Қорақалпоғистон санъати ва адабиёти ҳафталиги бошланади. Ҳафталик шаҳримизнинг маданий ҳаётида катта воқеадир. Ҳафталик қорақалпоғистонли дўстларимизнинг ижодий ишларига катта кўрик бўлади.

Қорақалпоқ халқининг бой маданий мероси бор. Унинг қадимий ва гўзал адабиёти ва санъати Улуғ Октябрь туфайли янада кенг қанот ёзди, янги социалистик ҳаётни, бахтли совет кишиларининг гўзал турмушини рангба-ранг бўёқларда зўр куч билан куйлай бошлади. Ҳозирги кунда қардош халқнинг талантли адиблари, композиторлари, артистлари, рассомлари етишиб чиқиб, улкан ижодий муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Бугун Тошкент театрларида, концерт залларида, саноат корхоналарида, ўқув юртларида Орол соҳилларидан, Амударё қирғоқларидан келган дўстларимизнинг жозибали қўшиқлари, дилрабо куйлари, нафис шеърлари янграйди. Талантлар кўриги, мушоиралар катта байрамга айланади.

Мен қорақалпоқ поэзиясини, халқ эпосини кўп йиллардан буён севиб ўқиб келаман. «Қирқ қиз» эпоси бу қардош халқ адабий меросининг ноёб дурдоналаридан ҳисобланади. Мен бу ажойиб шеърий эпосни шоир Миртемир билан таржима қилиб, ўзбек китобхонларига тақдим этганман. Бу эпос, шунингдек қорақалпоқ халқ шоирлари ва ҳозирги вақтда самарали ижод қилаётган ёзувчиларининг асарлари совет адабиёти ҳазинасига муносиб ижодий ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Қорақалпоқ санъаткорлари ҳафталикда Тошкент томошабинларига бошқа спектакллари қаторида менинг «Шубҳа» пьесамни ҳам кўрсатишни планлаштирган эканлар, мен бундан беҳад хурсандман.

Биз бир ҳафта мобайнида Қорақалпоғистондан келган санъаткорлар ва ёзувчиларнинг ижодлари билан танишамиз. Биз қардошларимиз ижоди билан танишар эканмиз, уларга янги муваффақиятлар истаймиз.

—Ижодингиз Аму сувларидай жўшқин бўлсин, — деймиз.

**УЙҒУН.**

**Хўжабек СЕИТОВ**

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

**Менинг республикамдир**
**Қуёшли Ўзбекистон.**
**Боладикдан бу машҳур —**
**Диёрни этдим макон.**
**Азалдан овули бир,**
**Юраги ўтли халқмиз.**
**Орамиздан ўтмас қил,**
**Туғишган, дўстли халқмиз.**
**Қорақалпоқнинг ўзбек**
**Оғаси ҳам жондоши,**
**Бир ердан бошлангандек**
**Сир ва Амунинг боши.**
**Орол, Аму бўйида**
**Ўтса-да болалигим,**
**Менинг кўнглим уйидан**
**Жой олди Олмалиғим.**
**Оғзимдан кетгани йўқ**
**Олмасин ширин таъми.**
**Конлар, боғларга тўлиқ,**
**Гўзалликда йўқ ками.**
**Ўзбекистон ҳур диёр,**
**Унум мўл қучоғида.**
**Олтин, кумуш, мис, руҳ бор**
**Қадрдон тупроғида.**
**Унинг харитасига**
**Боқсанг қоласан ҳайрон.**
**Аму, Сир ўртасига**
**Жойлашган бир гулистон.**
**Хилма-хил мева, емиш**
**Пишар Ўзбекистонда.**
**Барин ёзиш қийин иш**
**Бир қўшиқ ё достонда.**
**Икки дарёнинг ёни**
**Оқ олтин уйилган тоғ.**
**Ҳар биттаси осмонни**
**Ўпган тоғлардан тикроқ**
**Пахта эккан эрларин**
**Донги элимга етган.**
**Ўзбекистон ерлари**
**Тўкин боғ бўлиб кетган**
**Одамлар қойил келган**
**Меваларин боли бор.**
**Ўтлоқларга ёйилган**
**Пода-пода моли бор.**
**Техника билан ишлаб**
**Фабрика, завод ГЭСлар,**
**Истеъдодли кишилар**
**Коммунизмни тезлар.**
**Республикамга пойтахт**
**Тошкент билим ўчоғи.**
**Дўстларга очиқ ҳар вақт**
**Ўзбекистон қучоғи.**
**Дўстларни биз чин дилдан**
**Этамиз иззат-ҳурмат.**
**Халқларни чин дўст қилган**
**Ильичга чексиз раҳмат.**

Қорақалпоқчадан **С. Қўқонбеков** таржимаси.

**Қорақалпоқ халқ ашула ва рақс ансамбли ўзининг дилларни хушнуд этувчи қўшиқлари, қувноқ рақслари билан ўзбек томошабинлари ўртасида ҳам шуҳрат қозонган. Ижодий коллектив репертуаридаги «Қирқ қиз» рақсини халқ санъатининг ажойиб дурдоналаридан деса бўлади. Сиз кўриб турган бу суратда ансамблнинг бир группа артистлари «Қирқ қиз» рақсини ижро этишмоқда.**

**Г. Гер** ва **О. Горлин** фотоси.

## ҲАФТАЛИККА АТАБ

Тошкентда қардош қорақалпоқ дўстларимизнинг адабиёти ва санъати ҳафталиги ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қардош қорақалпоқ ёзувчи ва шоирларининг сўнгги йилларда яратган бир қанча асарларини ўзбек тилида нашр этди. Булар орасида талантли қорақалпоқ ёзувчиси, драматурги Жўлмирза Оймирзаевнинг колхоз ҳаёти, колхозчиларнинг фидокорона меҳнати, кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарши курашини тасвирловчи «Қамекбойнинг найранглари» номли романи, Телепберган Каипбергановнинг «Қорақалпоқ қизи» романлари бор.

Хўжабек Сеитов «Машаққатли бахт» асарида колхозчиларнинг ҳаёти, меҳнати ва орзу-интилишларини ёрқин тасвирлайди.

Шунингдек, Усербой Хўжаниёзовнинг «Ойдана» повести, дўстлик, қардошлик куйчиси талантли шоир Наврўз Жапақовнинг шеърлар тўплами, шоир Аяпберган Мусаевнинг пок севги, дўстлик, инсон қадр-қимматини мадҳ этувчи шеърлар тўплами ҳам нашр этилди.

Яқин кунларда ўзбек китобхонлари Бекембетовнинг «Оғир қисматни енгувчилар» романи, Нурумбетовнинг «Қирқ йил сафда» поэма ва шеърлари ҳамда «Қорақалпоқ драматургияси» билан ҳам танишадилар.

**С. ЙЎЛДОШЕВ.**

## ИЖОДИЙ КЎПРИК

Яхши қўшиқ—жонга озиқ. Ҳақ гап. Қўшиқ жон озиғигина эмас, дилларни пайвандловчи кўприк ҳамдир. Шу кўприк туфайли халқлар бир-бирларининг қўшиқларини тушунишади. Ҳа, жозибали қўшиқлар қалбларга йўл топади. Қорақалпоқ халқ қўшиқлари ҳам ўзбек элига маъқул. Шунинг учун, улар севиб тингланади, қалбларга завқ бағишлайди. Қорақалпоқ халқининг бундай жўшқин ва жозибали куйлари беҳисоб.

Қорақалпоқ ижодкорларининг Тошкентда бўладиган ҳафталиги қорақалпоқ композиторлари учун чинакам имтиҳон бўлади. Ҳафталикни имтиҳон дедик. Ҳа, шундай. Халқ кўриги имтиҳон эмасми! Кўрикда янги қўшиқлар баралла янграйди. Бу қўшиқлар ижроси биз ўзбек композиторларини ҳам қувонтиради. Негаки, буларнинг айримлари ҳамкорликда яратилган. Уларнинг сайқал топишида ўзбек ва қорақалпоқ композиторларининг ҳамкорлиги бор.

Қорақалпоқ темаси ўзбек композиторларини қизиқтириб келаётганлиги ҳаммага маълум. Шу туфайли бу темага тез-тез мурожаат қилинади. Композитор Ҳалимов қорақалпоқ куйлари асосида яратган йирик симфоник асарлари дастлаб ўзбек томошабинларига тақдим этилди. Қорақалпоқ меҳри, Ўзбекистон халқ артисти А. Ф. Козловскийга илҳом бағишлади. Унинг қорақалпоқ темаларида яратган симфоник поэма ва романслари ана шу меҳр туфайли майдонга келди. Ф. Назаров билан Б. Гиенко ҳамкорлигида ёзилган, Султонов томонидан яратилган севимли музика асарлари ҳам ижодий алоқанинг намунасидир.

Ўзбекистон Давлат филармонияси қорақалпоғистонлик композиторларни ўз оталиғига олган. Филармониянинг балетмейстери, Ўзбекистон ССР халқ артисти Л. Петросова қорақалпоқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қиляпти. Дирижёр С. Алиев қорақалпоғистонли композиторлар билан яқиндан алоқа боғлаган.

Тошкентда бўладиган Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги кунларида қардош халқ композиторларининг ижоди билан тағин ҳам яқинроқ танишамиз. Ҳафталикда, шубҳасиз ижодий учрашувлар ҳам бўлади.

Ижодий учрашув — ижодий фикрлашув демакдир. Шу босдан, ҳафталик композиторлар ўртасида ижодий кўприк бўлиб хизмат қилиши турган гап.

**Д. СОАТҚУЛОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган артист.**

**Абитой ТУРУМБЕТОВ**

## ЛОЧИНИМ

**Тўрт кун тинмай учди икки лочиним,**
**Юлдузларни қувди икки лочиним,**
**Арши кўкдан қайтиб келди лочиним,**
**Омон-эсон е[illegible] кўнди лочиним.**
**Тўрт кун учди Николаев Андриян,**
**Попович изидан учди ёнмаён,**
**Космосга кўз тикди рўйи жаҳон,**
**Ҳайратда қолдирди икки лочиним.**
**Бу совет тузумининг кучи-қудрати,**
**Коммунистик техникамиз шуҳрати.**
**Бу бизнинг илму-фан, атом қуввати,**
**Қаҳрамонлик символидир лочиним.**
**Қуёш нурли Ватанимиз СССР,**
**Ер юзи халқларин дўстлик фикри бир,**
**Тинчлик истаймиз, кўнгилда йўқ кир,**
**Бунинг исботидир икки лочиним.**
**Бир кишидир партиямиз, халқимиз,**
**Коммунизм қуриш катта шартимиз,**
**Меҳнат, кураш, ўсиш бизнинг аҳдимиз,**
**Замонимиз қанотидир лочиним.**
**Космонавт дўстларим офарин сизга,**
**Космик йўл солдингиз Зуҳра юлдузга,**
**Офарин Андриян, Павелимизга,**
**Тенги йўқ қаҳрамон тўртта лочиним.**

## ҲАЁТ ЖИЛВАЛАРИ

*Бугун Тошкентда қардош қорақалпоқ санъати ва адабиёти ҳафталиги бошланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон санъати музейида Қорақалпоғистонда яшаб ижод қилаётган бир қатор рассомларнинг ижодига бағишланган кўргазма очилади.*

*Меҳмондўст ўзбек элида намойиш қилинадиган полотнолар тематик ранг-баранглиги ва тасвир услубининг ёрқинлиги билан фарқ қилади.*

*Рассом Қидирбой Саиповнинг ижоди Станиславский номидаги давлат музикали драма ва комедия театри билан узвий боғлиқдир. Унинг тўрт йил ичида театрда қўйилган кўпгина спектаклларга ишлаган ёрқин декорациялари айниқса диққатга сазовор. Рассомнинг «Оқ нилуфар» спектакли учун яратган саҳна безаклари ўзининг соддалиги, асар мазмунига мослиги, бўёқларнинг ҳаётийлиги ва ёрқинлиги билан ажралиб туради.*

*Унинг «Ойгул обод», «Куйгулик кўзли ёр» спектаклларига ишлаган декорациялари асарнинг ғоясини очиб беришига катта хизмат қилган.*

*Қ. Саипов Тошкентдаги П. Беньков номли бадиий билим юртида тарбия олган. У тасвирий санъатни жон-дилидан севади, бу соҳада у самарали иш олиб бориб, ўзининг ижодий маҳоратини оширишда ҳаётнинг икир-чикирларини тинмай ўрганаяпти. У яратаётган декорациялар ўзининг содда ва ёрқинлиги, сермазмун ва ҳаётийлиги билан қимматлидир. Саиповнинг «Оқ нилуфар» спектаклига ишлаган саҳна эскизлари Москвадаги бадиий кўргазмада томошабинларнинг эътиборини жалб этди.*

*Яқинда Саипов Ўзбекистон халқ рассоми Мели Мусаев билан ҳамкорликда И. Юсупов ва А. Шомуротовларнинг «Қирқ қиз» спектакли учун саҳна декорацияларини ишлаб тамомлашди.*

*Қардош қорақалпоқ халқининг фаровон ҳаёти, қувноқ турмуши, меҳнат фаолияти рассомлар яратаётган полотноларда ўз аксини топмоқда. Айниқса, Орол балиқчиларининг меҳнати, пахтакорлар ҳаёти улар ижодида куйланаётган асосий темалардир.*

*Шу жиҳатдан қараганда автоном республиканинг етакчи рассоми Ф. Мадгазиннинг ижоди диққатга сазовор. Қорақалпоқ элидаги улкан ўзгаришлар, табиат гўзалликлари рассомнинг сеҳрли қўлида ҳаққоний тасвирланади. Унинг «Қиш кечаси», «Туманли тонгда» номли асарларида табиат нафосати зўр поэтик дид билан ифодаланган. «Тахиатош ГРЭСи қурилишида» полотносида қурувчиларнинг шарафли меҳнати куйланса, «Орол балиқчилари», «Балиқни қайта ишлаш заводи», «Хива», «Учсой порти» каби асарларида Мўйноқ балиқчиларининг турмуши, жўшқин меҳнат жараёнлари, ҳаётий лавҳалар жонли бўёқларда ёрқин тасвирланади.*

*Мадгазин этюдлари — рассомнинг ўз ҳунарига ва ҳаётга бўлган муҳаббатининг ёрқин самарасидир.*

*Сўнгги даврларда Мадгазин жонажон ўлка бўйлаб кўп саёҳатлар қилди. У Мўйноқ, Хўжайли, Тахиатош, Хивада бўлиб, кўплаб замонавий руҳ билан суғорилган қизиқарли асарлар яратди.*

*Пейзаж ва портрет жанрида фикр юритар эканмиз, қорақалпоқ рассомларидан Г. Лазько, А. Бирюков, А. Королев, А. Еримбетов, А. Кван Ҳамза Аҳмедов, Т. Саиповларнинг номларини ҳам эслатиб ўтиш лозим бўлади.*

*Қорақалпоқ амалий халқ санъати хилма-хил ва жозибалидир. Ёғочни ўйиб нақш ишлаш, металлни ўйиб гул солиш, бадиий кашта ва гилам тўқиш санъатлари наслдан-наслга мерос бўлиб ўтмоқда, ривожланмоқда.*

*Республикада Сеитнияз Жармагаметов, Алимбет Керимбетов, Шаматбет Туреев, Боймурод Юсупов каби халқ усталари яшаб, ижод қилмоқдалар.*

*Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалида халқ амалий санъатининг икки мингдан ортиқ намунаси йиғилган.*

*Қорақалпоқ адабиёти ва санъатининг Тошкентда очиладиган ҳафталиги қардош халқ тасвирий санъатининг равнақига хизмат қилиши шубҳасиз.*

*З. ИНОҒАМОВ,*
*рассом.*

**Бойниёз КАИПНАЗАРОВ**

## ГУЛБОҒ

**Ҳур ватаним — гулбоғим,**
**Меваси қанду шакар.**
**Қизил атрларидан**
**Хушбўй ҳар шому саҳар.**
**Боғгинамни яшнатган**
**Лениндай асл боғбон.**
**Унинг парваришидан**
**Баҳра олганман, чоғман.**
**Мен ҳам шу боғнинг гули,**
**Боғбонимни ўйлайман,**
**Ватаним — онажоним**
**Муҳаббатин куйлайман.**

## КИТОБ — ЭКСПОНАТ

Кеча Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат халқ кутубхонасида Қорақалпоғистон ёзувчиларининг ижодига бағишланган кўргазма очилди. Унда фольклор, поэзия, проза, драматургия, болалар адабиётига оид ҳамда рус, ўзбек ва қатор қардош халқлар адабиётидан қорақалпоқ тилига таржима қилинган бадиий асарлар қўйилган.

Кўргазмани томоша қилар экансиз, қардош дўстларимизнинг машҳур халқ достонларидан «Қирқ қиз», «Қорақалпоғистон адабиёти тарихи», поэзия бўлимида эса Х. Турумбетовнинг «Шоир йўли», Ж. Оймирзаевнинг «Ойдин йўлда» асарлари билан танишасиз. Шунингдек, Аббос Добилов, Содиқ Нурумбетов ва бошқа шоирларнинг асарлари ҳам эътиборни жалб этади. Кўргазмада қорақалпоқ драматургияси намуналарига кенг ўрин берилган.

## Киров ва Пахтаорол районлари бўйича меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Советига сайлов ўтказадиган сайлов округларини тузиш тўғрисида

(Боши биринчи бетда)

**308-Қорақой—Ленин сайлов округи** (маркази — «Красная звезда» совхози Хрушчев номли бўлимининг идораси), чегараси: Ленин қишлоқ Советидаги Ленин номли совхознинг 2-бўлими ва Қорақой қишлоқ Советидаги «Красная звезда» совхозининг 3-, 5-бўлимлари.

### ПАХТАОРОЛ ҚИШЛОҚ РАЙОНИ

**309-Пахтаорол сайлов округи** (маркази — маданият уйи), чегараси: Славян қишлоқ Совети.

**310-Қизил-Ту сайлов округи** (маркази — «Славян» совхози идораси), чегараси: «Славян» совхози («Новий путь» ва «Политотдел» бўлимларидан ташқари), «Қизилқум» ва «Мирза» яйловларидаги чорвачилик фермалари.

**311-Трудовой сайлов округи** (маркази — «Коммунизм» колхози идораси) чегараси: Трудовой қишлоқ Совети ва Қизил-Ту қишлоқ Советидаги «Славян» совхозининг «Новий путь» ҳамда «Политотдел» бўлимлари.

**312-Свердлов сайлов округи** (маркази — Свердлов номли совхоз идораси), чегараси: Свердлов номли совхоз («Победа» ва «Махтажан» бўлимларидан ташқари).

**313-Олғабос сайлов округи** (маркази—«Олғабос» колхози идораси), чегараси: «Олғабос» қишлоқ Совети. Свердлов номли совхоз, «Победа» ва «Махтажан» бўлимлари, Бирлик қишлоқ Советидаги «Ленин-жол» колхозининг «Соцқурлус» участкалари.

**314-Бирлик сайлов округи** (маркази — Интернационал сельпосининг идораси), чегараси: «Ленин жол» колхози Бирлик қишлоқ Советидаги «Соцқурлус» участкасидан ташқари), Жамбул номли колхоз (Андреев номли участка ва Октябрь қишлоқ Советидаги 32-ёрдамчи хўжаликдан ташқари).

**315-Кенгесшил сайлов округи** (маркази — Абай номли колхоз идораси), чегараси: Кенгесшил қишлоқ Совети, Жамбул номли колхознинг Андреев номли, «Кенгесшил» участкалари, Октябрь қишлоқ Советидаги 32-ёрдамчи хўжалик шунингдек «Колгансир», «Каракўжа» ва «Куркелес» яйловларидаги чорвачилик фермалари.

**316-Прогресс сайлов округи** (маркази — Ленин номли колхоз идораси), чегараси: Ленин номли колхоз, пахта пункти, «Сардон» яйлови.

**317-Первомайск сайлов округи** (маркази — «Пахтаорол» совхози «1-Май» бўлимининг клуби), чегараси: «Пахтаорол» совхозининг «1-Май», Октябрь революцияси номли ва «XXII партсъезд» бўлимлари (барча базалари билан).

**318-Дзержинский сайлов округи** (маркази — «Пахтаорол» совхозининг Коминтерн номли бўлими идораси), чегараси: «Пахтаорол» совхозининг Коминтерн номли, Дзержинский номли, «Победа», «Қозоғистон ССР 40 йиллиги» бўлимлари, шоликорлик хўжаликлари, базалар, «Қолгансир»нинг 2-, 3-овуллари, Дзержинский номли қишлоқ хўжалик техникуми.

**319-Пахта заводи сайлов округи** (маркази — 100-пахта заводи идораси), чегараси: 100-пахта заводи, республика тажриба станцияси, «Пахтаорол» совхозининг Ильич номли бўлими (бунга 7-, 33-, 43-базалар, шунингдек янги қурилишлар ҳам киради).

**320-Ильич-Марказий сайлов округи** (маркази — «Пахтаорол» совхози идораси), чегараси: «Пахтаорол» совхозининг марказий усадьбаси (барча янги қурилишлар билан), ёзлик парк, 48-база, Ильич номли ва Баран база бўлимлари.

**321-Районлараро база сайлов округи** (маркази—область матлубот жамияти районлараро базаси идораси), чегараси: область матлубот жамияти районлараро базасига қарашли янги қурилишлар, Ильич автобазаси, ДЗУ-46, районлараро база территорияси, «Казсельхозтехника»нинг коммерсия базаси, заготзерно ва нефть базаси.

**322-Марказий сайлов округи** (маркази — Центральний қишлоқ Совети идораси), чегараси: Центральний қишлоқ Советидаги «Путь к коммунизму» ва «Красний луч» колхозлари.

**323-Ержар сайлов округи** (маркази — Казгидростепстрой» тресги идораси), чегараси: Ержар қишлоқ Совети (барча участкалари билан) ва 17-совхоз.

**Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитетининг раиси**
**Э. ШАИХОВ,**

**Тошкент қишлоқ область совети ижроия комитетининг секретари**
**М. ЭГАМБЕРДИЕВ.**

## Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Киров ва Пахтаорол район Советларига сайлов ўтказадиган район округ сайлов комиссияларининг составини тасдиқлаш тўғрисида

### *Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитетининг қарори*

Қозоғистон ССР Чимкент область территориясининг бир қисми Ўзбекистон ССР Тошкент область составига берилиши муносабати билан ва «Ўзбекистон ССР Меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар ҳақида Низом»нинг 35, 36, 43, 44 моддаларига мувофиқ Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

Меҳнаткашлар депутатлари Киров ва Пахтаорол район Советларига сайлов ўтказадиган район сайлов комиссиялари тасдиқлансин:

### КИРОВ ҚИШЛОҚ РАЙОНИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Култасов** Ашир — Киров колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Избосарова** Зуфнин — Еттисойдаги ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

Секретари — **Умаршаев** Калмахон — меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ район Совети ижроия комитети ходимларидан.

**Сайлов комиссиясининг аъзолари:**

**Абдиреев** Уркен — Киров колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси комсомол ташкилотидан.

**Бекманов** Махан — район матлубот жамияти ходимларидан.

**Бекбергенова** Умсин — «Победа» совхози касаба союз ташкилотидан.

**Егембердиев** Жўра — Абай номли колхоз аъзоларидан.

### ПАХТАОРОЛ ҚИШЛОҚ РАЙОНИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Батнгина** Мария Михайловна — Пахтаорол колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Семенов** Степан Семенович — Свердлов номли совхоз ишчи-хизматчиларидан.

Секретари — **Шарпилова** Тамара Васильевна — Пушкин номли мактаб бошланғич комсомол ташкилотидан.

**Сайлов комиссиясининг аъзолари:**

**Жиянбоев** Исоқ — район медицина бирлашмаси бошланғич партия ташкилотидан.

**Абдураев** Ширен — «Пахтаорол» совхози касаба союз ташкилотидан.

**Мўмбаева** Балбу — «Коммунизм» колхози аъзоларидан.

**Швайгард** Иван Иванович — «Олғабос» колхози аъзолари умумий йиғилишидан.

**Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитетининг раиси**
**Э. ШАИХОВ,**

**Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитетининг секретари**
**М. ЭГАМБЕРДИЕВ.**

# „ИНЖЕНЕРЛИК СОАТИ“

**Амалий иш билан берилган 250 жавоб ❊ Йиллик план — бир ойда ❊ *Янгилик ҳисси* ❊ Зўр изланиш ❊ Ташаббус қанот ёзмоқда**

— Экскаваторга сарфланадиган меҳнатни камайтириш учун сен нима қилдинг? — Заводга кираберишдаги плакат ҳар бир кишига ана шу саволни беради.

Экскаватор заводи партия бюросининг секретари Р. Кислюк шу саволга берилган дастлабки 250 жавобни — инженерлар, экономистлар, мастерлар, ишчиларнинг таклифларини менга кўрсатар экан:

— Бу бутун ўтган йилдагидан ҳам кўп, — деди.

Ваҳоланки бу ерда ҳамма инженерлар ва техниклар ўз ижоди билан меҳнат унумдорлигини оширишга конкрет ҳисса қўшсин, деган ажойиб фикр туғилганига ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ. Ҳар бир инженер ва техник битта экскаваторни ишлаб чиқаришда иш вақтининг ақалли 30 минутини тежашга ёрдам берса, ана шу машиналарга сарфланадиган меҳнат 100-110 соат камайиши ўша вақтда заводда ҳисоблаб чиқилган эди. Йиллик программага чоғиштириб ҳисобланганда эса, бу бир ой давомида тахминан 600 ишчини бўшатиб олишга баравардир. Натижада мамлакат қанчадан-қанча қўшимча маҳсулот олади! Инженерлар тафаккури тежалган меҳнат ҳисобига пландан ташқари ишлаб чиқарилган ўнлаб машиналарда ўз ифодасини топади.

Туғилган ғоянинг аҳамияти, унинг таъсири тўғрисида ҳаммадан кўра шу ташаббус кишиларнинг қалбида қандай акс садо берганлигига қараб ҳукм чиқариш маъқулроқдир. Завод техника интеллигенциясининг ташаббусига бу ерда лўнда қилиб, «Инженерлик соати» деган ном беришди, ҳозир «Инженерлик соати» коллектив орасида шу куннинг асосий темаси бўлиб қолди. Нима тўғрида гап очилмасин — уни албатта бирон кишининг таклифларига, чертёжларни тайёрлашга, асбоблар ишлаб чиқаришга, машиналарнинг конструкцияси, ишлаб чиқариш технологияси, меҳнатни ташкил этиш соҳасида киритилган тузатишлар туфайли қанча минут тежалганлигига олиб бориб тақашади.

— Рационализаторлик таклифлари ёзиладиган бланклар олиб келиш учун икки марта Халқ хўжалиги кенгашига боришга мажбур бўлдим, — дейди мамнуният билан рационализация билан шуғулланувчи инженер М. Пономарев. — Бланкларимизнинг одатдаги бир йиллик запаси етмай қолди.

Ана шу бланка варақларига назар ташлайлик. Инженер-технолог Т. Неверова втулкаларни эговлашни чўзиш билан алмаштиришни таклиф қилган. Ҳар бир детални ясашда бир минут тежаб қолинади. Лекин экскаваторда бундай деталлардан 90 та бор. Демак, машинага сарфланадиган меҳнат бир ярим соат камаяди.

Бу таклиф ҳали фақат қоғозда турибди, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри. Лекин таклиф реал имкониятларга таянади, автор заводнинг конкрет шароитини ҳисобга олган. Шу чоққача заводда ана шу деталлар ишлаб келинган эговлаш станоклари етишмаяпти, чўзувчи станоклар эса иш билан тўла таъминланмаган. Бинобарин, янги технология картасини қонунлаштириб қўйилса кифоя — шу билан минутлар тежалаверади. Цехда технология ҳозирдаёқ қайта қурилабошлади.

Қайта қуришни тезлаштирмоқ учун кўпгина авторлар ўз янгиликларини жорий қилишга ўзлари киришаяптилар. Ю. Трушин бошлиқ металл конструкциялар цехининг бир группа инженерлари худди шундай қилаяпти. Бу группа мураккаб детални штамповка усули билан тайёрлашни ўйлаб топди. Инженерлар иш чертёжларини ўзлари тайёрлаб, штампларни ўзлари ясашаяпти. Ҳозир уларнинг қўли-қўлига тегмайди, чунки ана шу таклиф ҳар қайси экскаваторда 80 минутни тежашга имкон беради.

Бош конструктор Л. Рабинов бошлиқ бошқа бир ижодий коллектив пастки ромнинг конструкциясини яхшилаш йўли билан ҳар қайси машинада 3 соат вақтни, ва 236 килограмм металлни тежаш усулини топди. Инженерлардан Н. Котелин, А. Мўминов, В. Хоробрих, Т. Бахтиёрова, С. Лодман, Г. Гончарова, Е. Королева, В. Романов, А. Федосеев ва бошқа жуда кўп кишиларнинг таклифлари ҳозирдаёқ жорий қилинаяпти.

Лекин қатъий қоидага мувофиқ тўлдирилган таклиф варақалари ишнинг техникага оид жиҳати тўғрисида мукаммал тасаввур бера олмайди. Чунки чинакам новатор ўз шахсий ижоди билангина кифояланиб қолмайди, балки бирга ишлаётган ўртоқларининг фикрларини ҳам худди ўз ижоди сингари ғамхўрлик билан ривожлантириб, амалга оширади. Мана шунинг учун заводда рационализаторларнинг инженерлар, мастерлар, ишчилардан иборат бригадалари тез-тез учраб туради. Қуюв цехи мастерларидан А. Подсуев билан Е. Г. Поповнинг тажрибаси рационализаторларга участкаларни ихтисослаштириш меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беражагини яққол кўрсатиб қўйди. Инженер-экономист Р. Гершенбаум ана шундай ихтисослаштиришнинг характерини аниқ белгилаш, зарур ҳисоб-китобларни қилишда ёрдам берди. Шу тариқа кесув участкасида жилвирчилар бригадаси тузиш ҳақидаги таклиф бунёдга келди. Бу бригада кўплаб вақтни тежаб қола олади.

«Инженерлик соати» учун кураш гўё новаторликка мойиллиги йўқдек кўринган ўнлаб одамларнинг дилида ижодкорлик руҳини уйғотишга ёрдам берди. Беш дугона — лаборантлардан И. Субботина, Г. Лукинова, А. Хобе-Иванова, Л. Пасько, Л. Рязанцева рационализация бюросига келиб, ўзларининг дастлабки таклифларини, яъни пўлат таркибидаги углеродни тез анализ қилиш вақтида 2-қайинчани 1-қайинча билан алмаштириш кераклигини айтишди. Йилига 70 сўм тежалади, металлни қизитиш учун сарфланадиган вақт икки минутча камаяди. Натижаси унчалик кўп эмас. Аммо ҳамма нарсани нуқул минутлар ва сўмлар билан ўлчай бериш ярамайди. Шуниси қимматлики, одамлар қайси вазифада бўлишидан қатъий назар, инженерчасига фикр юритишни ўрганаяпти.

Заводда зўр изланиш ана шу тахлитда давом этаяпти. Бу изланиш ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларига, ҳамма томонларига қулоч ёйиб, кириб бораяпти. Шуниси қувончлики, завод директори, бош инженери, партия бюросининг секретари ана шу ҳаракатда раҳбар сифатидагина эмас, балки актив инженер сифатида ҳам иштирок этишаяпти. Уларнинг ҳар бири «Инженерлик соати»га ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Амалий иш билан намуна кўрсатиш, деб шуни айтишади. Лекин коллективга бошчилик қилган кишилар аввало умумий муваффақиятни ўйлашаяпти. Заводда янги ҳаракатга раҳбарлик қилишнинг муваффақиятли формасини топишган. Сирасини айтганда, бу формани турмушнинг ўзи кўрсатиб берди. Таклифларнинг сони юздан оша бошлагандан кейин, штат бўйича шу ишнинг мутасаддиси бўлган кишилар одатдаги усул билан бу таклифларни жорий қилиш бир ёқда турсин, ҳатто ўқиб чиқишга ҳам улгира олмасликлари маълум бўлиб қолди. Демак ҳар қандай штатларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ишни жамоатчилик асосларида олиб бормоқ керак.

Шу тариқа «Инженерлик соати штаби» вужудга келди. Штабга завод бош инженери Е. Фильченко раҳбарлик қилаяпти, унинг ўринбосари В. Покровский, партия бюросининг секретари Р. Кислюк, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи Л. Квитман, техника бўлимининг бошлиғи Е. Неверов, бош конструктор Л. Рабинов, механика цехининг бошлиғи Е. Чуприн, рационализация билан шуғулланувчи инженер М. Пономарев штабнинг аъзоларидир. Штаб аъзолари таклифларни муҳокама қилишаяпти, уларни жорий қилиш навбатини белгилашаяпти, ижро учун масъул кишиларни тайинлашаяпти. Завод директори Н. Крилов махсус буйруқлар чиқармаган бўлса ҳам, янгиликларнинг тақдирини ҳал қиладиган асбоблар, штамплар, инструментлар тайёрлаб бериш ҳақидаги заказларга кенг йўл очиб қўйиш ғамини еди.

Бу ишлар ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Январь ойида инженерлардан Николай Котелин билан Иван Кулагиннинг бронза втулкаларидаги мойлаш канаваларини чўзиш йўли билан ясаш тўғрисидаги таклифи жорий этилди. Бу эса, ҳар бир экскаваторни тайёрлашда уч соат вақтни тежаб беради. Техник Муза Кравченконинг тишли ҳалқаларни фрезерлаш учун кўп ўринли мосламалардан фойдаланиш тўғрисидаги таклифи ҳар бир машинада қирқ минутни тежаб қолишга ёрдам бермоқда.

Ғоят эҳтиёткорлик билан қилинган ҳисоблаш шуни кўрсатиб турибдики, январь ойи мобайнида ҳар бир экскаваторни тайёрлашга сарфланадиган меҳнат ўн соатдан кўпроқ камайтирилди. Бу натижага тушган таклифларнинг атиги бир қисмини жорий қилиш йўли билангина эришилди. Ишчилар, хизматчилар, инженерлар «Инженерлик соати штаби»га келиб, ўзларининг фикрлари ва маслаҳатларини ўртоқлашмоқдалар. Бунинг маъноси шуки, олинган мажбурият муддатидан илгари бажарилади. Экскаватор тайёрлашга сарфланадиган меҳнатнинг камайганлиги туфайли ҳозирнинг ўзидаёқ: заводдаги ҳар бир инженер ва техник экскаваторга сарфланадиган меҳнатни камайтиришга тагин ҳам салмоқлироқ ҳисса қўшсин — меҳнат сарфлашни ярим соат эмас, балки бир соат камайтирсин, деган гаплар айтилаяпти.

Хўш, ана шу ярим соат ёки бир соатнинг битта заводдаги инженер ва техникларнинг сонига, яъни 220 кишига эмас, балки Ўзбекистондаги техника интеллигенциясининг бутун кўп минг кишилик отрядига зарб қилсак бўлмасмикин? Ушанда инженерлик тафаккури билан тежалган вақтнинг миқдори экскаватор заводи сингари заводлардан бир нечтасини яратишга баравар бўлур эди.

«Инженерлик соати» ҳақидаги ташаббусни эшитгач, завод бош инженери Н. Гриценко бошлиқ «Таштекстильмаш» мутахассисларидан бир группаси 1 февралда экскаватор заводига борди.

— Ажойиб иш! — деди Н. Гриценко УзТАГ мухбирига. — Экскаватор заводидаги 220 инженер ва техникнинг ёнига уларнинг «Таштекстильмаш»даги тўрт юз эллик маслакдошини қўшиш мумкин.

Экскаватор заводидагилар «Ташсельмаш», «Ташкентнабель», «Ташавтомаш»дан келадиган меҳмонларни кутишаяпти.

«Инженерлик соати» қанот ёзиб келаяпти.

**Е. ЕФИМОВ**

**УзТАГ мухбири**

Сиз кўриб турган бу кўркам бино пойтахтимизнинг Шота Руставели кўчасида қад кўтарди. Эрта-индин унинг шинам ва ёруғ хоналарига тошкентликлар кўчиб кирадилар.

А. Абалян фотоси.

# ҒОВАКЛИ КЕРАМИКА

Ҳар қандай автомобиль капоти тагида металлдан ясалган катта цилиндр бор. Унга жез трубачалар келтирилиб уланган бўлади. Бу цилиндрда мойни тозалаб турадиган юпқа фильтр ўрнатилган. Двигателнинг ишқаланадиган қисмига келадиган бу мой мана шу фильтрда лойдан, қум ва бошқа аралашмалардан тозаланиб, қоғоздан ясалган буралма илмоқлардан ўтади. Қоғоз фильтр кўпга етмайди, шунинг учун ҳам уни тез-тез алмаштириб туришга тўғри келади.

Яқинда керамика қурилиш илмий-текшириш институтида менга катталиги гугурт қутичасидай қора-кўк стаканчани кўрсатишди. Материал тузилиши жиҳатидан сунъий қум қайроққа ўхшайди, мен ҳатто унда пичоқ ҳам чархлаб кўрдим. Бу автомобиль мой фильтрининг тажриба нусхаси эди. У серкавак керамикадан ясалган. Унинг тешикчалари шунчалар кичикки, уни оддий кўз билан кўриш жуда қийин ва билиб ҳам бўлмайди. Тешикчаларнинг борлигини қандай билиш мумкин? Бунда папирос қўл келди. Унинг тутунини стаканнинг ичига пуфласангиз у майда тешикчаларнинг ичига тезда кириб, туманга ўхшаб унинг атрофини қоплаб олади. Бу, узоққа чидамли, арзон бўлган фильтрнинг ўзи, У двигателга қараганда кўп хизмат қилаолади.

Бунга институт лабораториясида ғовакли керамиканинг усталаридан ҳисобланган техника фанлари кандидати Клавдия Смирнова раҳбарлик қилмоқда. У менга янги материал ҳақида гапириб берди ва турли эҳтиёжлар учун керамик фильтрдан фойдаланаётган муассасаларнинг номлари ёзилган узундан-узоқ рўйхатини кўрсатди.

Клавдия Смирнова бошчилик қилаётган лабораторияда ғовакли керамик буюм ишлаб чиқаришнинг янги, оригинал усули топилди. Шамот ёки чақмоқтошли қум қўшилган ойна аралашмаси ва техник крем нефторий натрийси унинг хомашёси сифатида хизмат қилади. Бу қоришмадан ташкил топган буюм прессда босилиб, шакллантирилади ва узоқ вақт юқори температурада қиздирилади. Ғовакларнинг катта-кичиклиги хомашёга боғлиқ. У 0.1 микрондан 0,5 миллиметргача бўлади. Фильтр моддаси қиздирилгандан кейин ўтга чидамли кимёвий хусусиятга эга бўлади. Керамик фильтри нефтдаги сувни тозалаш вақтида ҳам фойдаланилади. У кислота ва ишқорга чидамли, 175 даража совуқликда ҳам суюқ газларга бардош бераолади.

Ғовакли керамика гидролиз ишлаб чиқаришида ҳам қўлланилаётир. Ундан қилинган плиталар цемент, апатит, фосфорит, ун, қанд талқонини пневматик равишда транспортировка қилишда ҳавони бир меёрда тақсимлашда ҳам ишлатилмоқда. Улар ҳаводаги чангни, компрессор установкасидаги, турли қурилиш механизмларидаги ёғни жуда яхши тозалайди

Олимлар ғовакли керамиканинг янгидан-янги хусусиятларини қидириб топмоқдалар. Уларнинг бири қипиқ, шамот, суюқ ойнадан ясалган ва 150 даража иссиқликда қуритилган ғовакли плита. У шовқинни ҳам жуда яхши сингдириб юбораолади. Бунақанги материалларни мактаблар ва касалхоналар, вокзал ва кинотеатрларнинг вестибюллари, машина бюролари ва телефон кабиналари, кўп заводларнинг цехлари кутмоқда. Плиталар бўялган пайтда ҳам овоз ютиш хусусиятини йўқотмайди.

**Дмитрий САСОРОВ**

**АПН мухбири.**

# ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛГАН...

Қуйидаги қизиқ воқеалар 1962 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Болгарияда ўтказилган XV жаҳон шахмат олимпиадасида рўй берган.

**«АЖОЙИБ» ИНТЕРВЬЮ**

«Народен спорт» газетасининг мухбири америкалик ёш гроссмейстер Роберт Фишердан газетхонлар учун интервью беришини сўрайди.

— 50 лев (сўм) аванс чўзилса, гапни бошлайверамиз —деди Фишер.

— Кўп раҳмат, интервьюни ҳам олиб бўлдим,—жавоб беради мухбир.

**ГЕНИАЛ ЎЙИН**

«Менинг ўйинларим ҳамма вақт гениал. Робач ва Унцикерни гениал тарзда ютдим, ҳатто Фишерга гениал тарзда ютқаздим».

Ўз ўйинлари ҳақида аргентиналик гроссмейстер М. Найдорф ана шундай «камтарона» фикр баён қилди.

**«БОШҚАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ЙЎҚ»**

«Астория» меҳмонхонасининг вестибюлида Роберт Фишернинг олдига бир қизча келиб унга қоғоз узатди. Қизча олимпиада қатнашчиларининг автографларини йиғмоқчи эди. Р. Фишер чўзиб имзо чекканда, узатилган қоғознинг деярлик оқ жойи қолмади.

— Бошқа автографлар учун жой қўймабсиз-ку,—деди ўша ерда турган мастерлардан бири америкалика.

— Бошқаларнинг аҳамияти йўқ,— мағрур жавоб берди Р. Фишер.

**УТТИЗИНЧИ ЮРИШГАЧА**

XV олимпиадада судьялар коллегиясининг рухсатисиз 30-юришгача дуранга келишиш мумкин эмас эди. Аргентина билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги матчда О. Панно (Аргентина) Л. Шмидга қарши партиянинг дебют қисмидаёқ хатога йўл қўяди ва бир сипоҳидан ажрайди. Бироқ у ҳеч нарса бўлмагандек, ўйинни давом эттираверади.

— Панно, судьяларнинг рухсатисиз 30-юришгача таслим бўлиш ҳам мумкин эмас. деб ўйлаяпти шекилли,— ҳазиллашишди қатнашчилар.

**М. МУҲИТДИНОВ,**
**СССР спорт мастери.**

# ЗАВОДДА УНИВЕРСИТЕТ

Ўзбекистон трактор-йиғув заводи ишчи ва хизматчилари Тошкент халқ хўжалиги институтининг педагогик коллективидан жуда хурсанд. Институт ўқитувчилари завод ҳузурида ташкил этилган иқтисод фанларини ўрганиш университети машғулотларини олиб боришда яхши ёрдам бермоқдалар. Ўтган ўқув йилида институт ректори доцент Қориевнинг «Экономика фанининг аҳамияти», доцент Коганнинг «Коммунизм»—порлоқ келажагимиз», иқтисод фанлари доктори, профессор Аминовнинг «КПСС экономика масалалари тўғрисида» темаларида ўқиган лекциялари тингловчиларга манзур бўлган эди.

Яқинда университет яна ўз ишини бошлади. Биринчи машғулотда завод бош инженери ўртоқ Великий «Фан ва техника ишлаб чиқаришда» деган темада лекция ўқиди.

Университет совети томонидан тузилган планга мувофиқ бу йил тингловчилар ишлаб чиқариш кучларидан тўла фойдаланиш йўллари, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш имкониятларига оид лекцияларни тингладилар.

**С. ТУЛАЕВ.**

СУД ЗАЛИДАН

## Ҳиёнатчилар жазоланди

Калинин районидаги «Бўзсув» совхозида катта жиноят фош қилинди. Совхозда турли лавозимларда ишлаб келган бир тўда юлғичлар қалбаки йўллар билан давлат мулкини талон-торож қилиб келишган

Совхоз 1 ва 2-бўлимларининг собиқ бухгалтерлари Ғ. Иноғомов ва А. Егоровлар далада етиштирилган полиз экинларининг кўп миқдорда ўғирланишига йўл қўйишган. Давлат пунктларига даланинг ўзидан ҳосил юборишда ҳисоб-китоблар атайлаб чалкаштирилган. Маҳсулотлар айрим тасодифий шахслар орқали тўппа-тўғри бозорга юбора берилган. 1960 йилда икки бўлимда 250 тоннадан ортиқ ковун-тарвуз талон-торож қилинган.

Бундан ташқари маҳсулот тайёрловчи К. Аймагамбетов совхоз раҳбарларининг ишонч қоғози билан Янгиердаги «Ховос» совхозидан 90926 килограмм дон келтирган. Лекин «Бўзсув» совхози омборига 79788 килограммини ўтказган холос. Шунингдек совхоз моллари учун келтирилган ем-хашакларни ҳам шахсий манфаати учун ўзлаштириб юборган.

Суднинг қора курсисида ўтирган бошқа жиноятчилар,— Т. Радионова, А. Шмургин, А. Тошкенбоев, Ли Николайлар ҳам турли жиноий йўллар билан совхоз мулкини талон-торож қилганлар.

Яқинда халқ суди бу ишни очиқ суд мажлисида кўриб, жиноятчиларнинг ҳар бирини қилмишларига яраша жазолади.

**К. ЖАЛИЛОВ,**
**Калинин район прокурорининг ёрдамчиси.**

**Редактор М. ҚОРИЕВ.**

● ТЕЛЕВИЗОР ● ТЕАТР ● КОНЦЕРТ

## САҲНАЛАРДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/II да **Марварид қидирувчилар**, 6/II да **Гулсара** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —5/II да янги спектакль **Юлий Цезарь.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Иван Рубан** қўл остида **«Йиртқич ҳайвонлар» аттракциони** ва янги программада **цирк томошалари.** Кеч соат 7 яримда бошланади.

## ЭКРАНЛАРДА

**5 ФЕВРАЛДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Концерт** (болалар учун).

Рус тилида: 18.35 — **«Южний» совхозининг паррандачилари** (илмий-оммабоп фильм), 18.55 — **Покистон ҳақида** (Совет Армияси жангчилари учун). 19.20 — **Телевизион янгиликлар,** 19.35 — **Қорақалпоғистон АССР санъати ва адабиёти ҳафталигининг очилиши** (Муқимий номли театрдан), 19.55 — **Қўшиқчи композитор М. И. Блантер** (туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар,** 20.50 — **Орол балиқчилари** номли бадиий фильм, фильмдан кейин — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.10 — **Ишлаб чиқариш илғорлари** (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми олдидан).

Рус тилида: 19.30 — **Телевизион эшиттириш,** 19.50 — **Яхши хизматлар,** 20.10 — **Максимнинг қайтиши** номли бадиий фильм.

**Биринчи аср кишиси** — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

**Ғарбга йўл** — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 2, 4 ва кеч 8 да), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

**Тисса устида** — «МИР» (кундуз соат 12, кеч 6 ва 10 да).

**Георгий Саакадзе** (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

**Янгидан бошланган ҳаёт** — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутгача).

**Ёшу гўр** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Павлуха** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ТЕЛЕВИЗОР ● ТЕАТР ● КИНО ● ТЕЛЕВИЗОР ● ТЕАТР

Тошкент қишлоқ область ижроия комитети коллективи Ижроия комитетининг секретари М. Э. Эгамбердиевга онаси **РИСОЛАТ ХУДОЙБЕРДИЕВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.*

**РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

*«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.*

Р. 03677 ИНДЕКС 64695 А.—1523.